




# МАДДИХУРАЛАР

## Күлгүси



# **МАШХУРЛАР КУЛГУСИ**

Тошкент — 2012

Тўпламда дунёга машхур ёзувчи, шоир, бастакор, рассом ва бошқа шахсларнинг ҳаёти давомида содир этилган қизиқарли воқеалар ҳамда уларнинг ижодлари билан боғлиқ ҳангомалар жамланган. Ижод аҳлининг ҳаёти ўзи ниҳоятда қизиқ ва гаройиб бўлади. Тўпламдан жой олган машхур шахсларнинг ўқувчини ўзига жалб қила оладиган томонларга кўпроқ эътибор қаратилди.

Бундан мақсад дунё таниган шахсларнинг ижоди жараёнида пайдо бўлган ўқувчиларга ҳали унчалик маълум бўлмаган жиҳатлари билан китобхонларни таниширишдир. Бундан ташқари, китобхонлар тўпламни ўқиши жараёнида ўша машхур инсонларнинг шахси ва ижодлари билан якинроқ танишадилар.

*Тўпловчи ва таржимон*  
**Иzzat АХМЕДОВ**

ISBN 978-9943-381-09-0

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий қутубхонаси, 2012

## **ФАЙЛАСУФ СУКРОТ**

Буюк донишманд Сукрот жуда хунук, бадбашара одам бўлган экан. Бир гўзал аёл келиб унга дебди:

— Афандим, икковимиз турмуш курсак... Шояд яратганинг инояти билан бир ўғил кўрсак. У сиздек доно, мендек хуснда танҳо бўлса...

— Борди-ю, акси бўлиб чиқса-чи. Ўғлимиз мендай бадбашара ва сиздай ақли қосир бўлса?..

\* \* \*

Сукротдан одамзод баданидаги қайси аъзо энг носезигр деб сўрашди.

— Бурун! — деб жавоб қилди файласуф. — Менинг бувим бир умр бобомнинг бурнидан ип ўтказиб, судраб юрди, у эса буни сезмади ҳам.

\* \* \*

Сукротдан шогирдлари сўрашди:

— Никоҳни бекаму-кўст бўлмоғи учун нечта шарт бор?

— Иккита, — жавоб берди Сукрот, — эр кар ва аёл кўр бўлмоғи лозим.

\* \* \*

Сукротни қатл қилиш учун олиб кетаётганларини кўрган бир аёл йифлаб юборди:

— Бу қандай бедодлик! Ҳеч қанақа гунохинг йўқ-ку, нега сени қатл қилишмоқчи?

Сукрот жавоб берди:

— Э, нодон аёл, наҳотки сен менинг жиноят қилиб, шу жиноятга

яраша қатл этилишимни истасанг!

\* \* \*

Сукротдан шогирди сўради:

— Айтинг-чи. Нега сизнинг чехрангизда ташвишдан асар ҳам йўқ?

Сукрот жавоб берди:

Чунки, мен йўқолса қайгуришга арзийдиган ҳеч нарсага эга эмасман.

\* \* \*

Машхур файласуф Сукрот бир бой одам билан сафарга чиқибди. Ногоҳ улар шу атрофда қароқчилар кўпайиб кетганлиги ҳақида гурунглашиб қолишибди.

— Эй воҳ мабодо улар мени билиб қолишса шўрим қурийдику! — дебди бой одам.

— Эй воҳ улар мени танишмаса нима бўлади? — дебди Сукрот.

\* \* \*

Хотинининг хархашаларидан безор бўлган Сукрот ниҳоят чидомлмай, шундай дейди:

— Жонгинам, тўйимиз олдидан "Сенинг кўлингдан бир қадаҳ заҳар ичишга ҳам тайёрман" деган эдим. Лекин бу қадаҳни хар куни уч марта — нонушта, тушлик ва кечки овқатда сипқораман деб сира ўйламагандим.

## ИСМИНГНИ ЎЗГАРТИР

Искандар Зулкарнайн қўшинидаги битта жангчи майдонни ташлаб қочар экан. Буни пайқаган Искандар бир куни жангдан сўнг уни ўз хузурига чақирибди.

— Отинг нима? — деб сўрабди Искандар ўша аскаридан.

— Биз иккимиз адашмиз, олампаноҳ, — ғуурур билан жавоб бериди бундай илтифотдан талтайиб кетган жангчи. — Мениям исимм Искандар.

— Ундай бўлса, сенга бир илтимосим бор, — дебди саркарда. — Ё кўркоқлигингни ташла, ё бўлмаса отингни бошқа қўй. Токи бизнинг адашлигимиз ҳеч кимда янглиш фикр туғдирмасин. Билгилки, одамнинг исми жисмига монанд бўлиши керак.

\* \* \*

Бир куни Искандар Зулқарнайн рассом Апеллес томонидан чизилган ўз суратини томоша қилибди-ю, аммо ижодкорнинг маҳоратига етарли баҳо бермабди. Кўп ўтмай, Искандарнинг отини етаклаб келаётганирида, жонивор тулпор суратда акс эттирилган эгасини кўриб, кишинаб юборибди.

— Шаҳаншоҳ, — дея хитоб қилибди рассом, — отингиз санъатни сиздан кўра яхшиrok тушунар экан!...

### ДОНИШМАНД ДИОГЕН

Бир киши эшигига "Уйимга бало-қазо киришидан худо асрасин!" деб ёзib кўйганини кўрган Диоген ҳайрон бўлиб дебди:

— Ажабо, эгасининг ўзи уйига қандай кирап экан-а?

\* \* \*

Афлотуннинг "Одам икки оёкли патсиз жонивордир" деган ибораси овоза бўлиб кетган экан. Бир куни Диоген хўroz патини юлиб одамларга намойиш қилиби:

— Мана, афлотунча одам!

\* \* \*

Кимdir Диогенга қувгинга учраганини таъна килган экан, "Каллаварам! — дебди унга, — ахир, қувгинлик туфайли донишманд бўлдим-ку!"

\* \* \*

Кўкат ювиб ўтирган Диоген қулоғига Афлотун шундай деб шивирлабди:

— Шоҳнинг хизматига кирганингда эди, кўкат ювиб ўтиргмаган бўлардинг.

Диоген ҳам Афлотун қулоғига оҳиста шипшиди:

— Кўкат ювишни билганингда эди, шоҳга хизмат қилиб юрмаган бўлардинг.

\* \* \*

Қадимги юонларнинг бир зиёфатида нўноқ бир созанда арфа чаларди. Мехмонлар жигибийрони чиқиб сўкинишар, фақат Диоген тўхтосиз уни мактарди:

- Баракка! Қандай зўр, қандай ажойиб!
- Нега уни мақтаяпсан? — деб сўрашди файласуфдан.
- Шу қадар истеъдодсиз бўлишига қарамай, ўғирлик қилиш ўрнига яна мусиқа билан шугулланяпти-я!

Бунга қойил қолиш керак!

\* \* \*

Қадимги дунё файласуфи Диогендан инсонда нима тез қарииди деб сўрашибди. У шундай жавоб берибди:

- Миннатдорчилик, дебди.

\* \* \*

Қадимий юонларнинг машхур масалчиси Эзоп кулларча ҳаёт кечирган. Бир куни хўжаси уни майда-чуйда олиб келиш учун шахарга юборибди. Йўлда бир судъя учраб ундан:

- Қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди.
- Билмайман, — жавоб қилибди унга Эзоп.

Унинг бу жавоби судъяга ёқмабди-да, дарҳол Эзопни тутиб, қамашга буюрибди.

— Мен сизга тўғрисини айтмадимми, жаноблари, — дебди Эзоп шунда. — Ҳақиқатан ҳам ўзимнинг қаёққа тушишимни билмагандим.

Унинг бу сўзларидан судъя беихтиёр кулибди-да, озод қилишни буюрибди.

### “ДЕРАЗАНИ ЁПИБ ҚЎЙИНГ”

Ньютонга илмий кашфиётлари учун Лорд унвони берилибди. Палата мажлисларида йигирма олти йил ўтириб зериккан олим фақат бир марта сўз олиб шундай деди:

— Жаноблар! Агар эътиroz билдиrmасангиз, деразани ёпиб кўйиши таклиф қилмоқчиман. Елвизак эсяпти, шамоллаб қолишдан кўрқаман.

\* \* \*

Буюк инглиз олими Исаак Ньютон ўта паришонхотир одам бўлган. Бунга унинг ўз қўли билан дўстига ёзган хати гувоҳлик беради:

"Дўстим! Бу ерда ҳамма сенинг икки жангда ғалаба қозонганинг, учинчисида эса ҳалок бўлганинг ҳакида гапиришяпти. Шу гап тўғрими-йўқми, менга ёзиб юбор! Ахир сенинг ўлиминг мени қанчалик қайғуга солиши мумкинлигини биласан-ку".

### **"СИЗГА НИМА"**

Бир куни Суворовдан жангларда неча марта ярадор бўлганлигини сўрашади.

— Ўттиз икки марта, — жавоб беради кўмондон, — икки марта урушда ўқ теккан, ўн марта уйда пайраҳадан озор чекканман, йигирма марта Петербург саройида сўз билан жароҳатлашган.

\* \* \*

Бир зобитнинг хотини улуғ рус саркардаси А.Суворовга эрини ёмонлаб, у ҳақда ҳар хил гапларни айти бошлабди. Шунда саркарда унинг сўзини бўлиб:

— Бу билан менинг ишим йўқ, — дебди.

— Орқангиздан сизни ҳам ёмонлагани—ёмонлаган, — дебди аёл бидирлаб. — Бу билан эса сизнинг ишингиз бўлмасин, — дебди Суворов.

### **ПАРИШОНХОТИР ОЛИМ**

Эйнштейн бир таниши билан учрашиб қолибди. Сухбат сўнггида:  
— Илтимос, бугун менга кўнғироқ қилинг, муҳим гапим бор

эди, — дебди у олимга. — Фақат телефон рақамимни эслаб қолиш бироз қийинрөк: 24361.

— Бунинг нимаси қийин? — ҳайрон бўлиб сўрабди Эйнштейн. — Икки карра 12 ва 19 нинг квадрати.

\* \* \*

Альберт Эйнштейн қийинишига уччалик эътибор бермасди, доимо пала-партиш қийиниб юарди. Бир куни тасодифан олим Нью-Йоркда бир танишини учратиб қолибди. Жаноб Эйнштейн, — дебди у олимга салом-алиқдан сўнг. — Ўзингизга янги пальто сотиб олмасангиз бўлмайди. Қаранг, буниси эскириб кетибди.

— Шунда олим нима қипти, мени бу ерда ҳеч ким танимайдику, дебди.

Орадан бир неча йил ўтгач, олим яна ўша танишини кўчада учратиб қолибди. Эйнштейннинг ҳамон ўша эски пальтосини кийиб юрганини кўриб, у яна янгисини сотиб олишни маслаҳат берибди.

— Нима кераги бор? — дебди олим. — Бу ерда энди мени ҳамма танийди.

\* \* \*

Бир журналист Эйнштейндан сўрабди:

Миянгизга келадиган буюк ғояларни қандай қилиб ёзиб оласиз? Бунинг учун маҳсус ён дафттар, хотира дафтаридан ёки яна бошқа нарсадан фойдалансангиз керак?

Эйнштейн қўлида ёзув дафтарчаси ушлаб турган мухбирга караб, жавоб қайтарибди.

— Кадрдоним... Ҳақиқий ғоялар шундай кам келадики, уларни ёзиб олишнинг ҳожати ҳам йўқ.

\* \* \*

Унчалик истеъоди бўлмаган бир физик Эйнштейнни ўз ҳамкасбим деб атабди.

— Ростданми, дебди Эйнштейн ҳайратланиб, — сиз билан ҳамкасбимизми. Нима сиз ҳам ревматизмдан азоб чекасизми?

\* \* \*

— Бирорта ҳам дурустроқ ёрдамчи топа олмаяпман, — деб нолибди бир куни буюк олим Томас Эдисон Эйнштейнга. — Ҳар куни олдимга бир неча йигит келиб, ўзини синааб кўради. Аммо уларнинг бирортаси ҳам менга тўғри келмаяпти.

— Уларни қай йўл билан синааб кўрасиз? — кизиқиб сўрабди Эйнштейн. Эдисон унга бир ваарақ қоғоз узатибди. Унда бир нечта саволлар ёзилган эди.

— Ким мана шу саволларга тўғри жавоб берса, ўша менинг шогирдим бўлади, — дебди у.

Эйнштейн уларни бирма-бир ўқишга кириши: "Нью-Йорқдан Чикакогача неча мил масофа бор?" — Маълумотномани қараб кўриш керак. — Маъданшуносликка оид адабиётларни қидириб кўриш керак. Олим барча саволларга шу йўсинда жавоб бериб чиқди ва кўшиб кўйди:

— Жавобингизни эшитмасдан, билиб турибман, мен ҳам сизга ёрдамчи бўлолмас эканман.

\* \* \*

Бир куни журналистлар Эйнштейндан сўрашибди. "Атом энергияси фақатгина тинч мақсадларда ишлатилиши лозим, деб хисоблайсизми. — Албатта, — дебди олим. — Ахир, электр кувватини фақат электр стул учунгина ишлатишмайди-ку.

\* \* \*

Эйнштейн Чарли Чаплин иштирокидаги фильмларни севиб томоша қилас, актёрнинг экрандаги қаҳрамонини эса жуда ёқтиради. Кунлардан бир кун олим Чаплинга мактуб ёзади:

"Истеъодингизга тан бераман! Сиз яратган "Олтин талвасаси" фильмини дунёнинг хоҳлаган бурчагидаги ҳар бир инсон бемалол тушуна олади. Бир куни келиб Сиз, албатта, буюк инсонлар сафига қўшиласиз.

Эйнштейн".

Бунга жавобан Чаплин олимга шундай мазмундаги мактуб ёзиб жүнатади:

“Мен эса Сизга бундан-да ортиқ тан бераман. Яратган нисбийлик назариянгизни дунёда ўзингиздан бошқа ҳеч ким тушунмайди, лекин шундай бўлса-да, Сиз буюк инсонлар сафидасиз. Чаплин”.

\* \* \*

Эйнштейндан бир куни "Дунёни ўзгартириб юборадиган буюк ихтиrolар қандай кашф этилади?", — деб сўрашибди.

— Бу жуда оддий, — деб жавоб қайтариби олим. — Бундай ихтирони кашф қилишнинг иложи йўқлигини ҳамма яхши билади. Лекин қаердадир буни билмайдиган бир нодон пайдо бўлиб, уни кашф киласди.

\* \* \*

Эйнштейн поездда кетаётган эди. Корни очганини сезиб, олим вагон-ресторангга йўл олди. Стол устидаги таомномани қўлига олди-да, кўзойнагини қидира бошлади. Топилмагач, ёнидан ўтиб кетаётган официантдан таомномани товуш чиқариб ўқиб беришни илтимос килди. Официант соч-соколи окариб кетган отахонга хамдардлик билан назар ташлаб, жавоб қайтарди:

— Кечирасиз жаноб, афсуски, мен ҳам сизга ўхшаб ўқиши билмайман.

\* \* \*

Эйнштейн мусиқани жуда яхши кўрарди. Скрипкада чалишнику, жуда қойилмақом қилиб уddeларди. Бир гал у Германия шаҳарларидан бирида ўтказилган хайрия концертида қатнашади. Томошибинлар орасида ўтказилган концерт тўғрисида мақола ёзиши лозим бўлган ёш журналист ҳам ўтиради. У ёнида ўтирган аёлга мурожаат килди.

— Бугунги концертда иштирок этаётган анави Эйнштейн деганлари ўзи ким?

- Тавба, наҳотки билмасангиз? Ахир, бу буюк Эйнштейн-ку!  
— Э, ха-я, албатта! — деб журналист бир нарсаларни ёзишга киришди.

Эртасига газетада буюк концертдаги чиқиши ҳақидаги мақола чоп этилди. У тенги йўқ скрипкачи — даҳо, деб таърифланган эди.

\* \* \*

Альберт Эйнштейн уйига кайтаётиб, кутилмаганда швейцарга мурожаат қиласди:

- Кечирасиз, профессор Эйнштейн қаерда истиқомат қиласди?  
Швейцар ҳанг-манг бўлиб жавоб беради.  
— Ие... ахир... ўзингиз профессор Эйнштейн-ку...  
— Буни-ку, биламан-а. Лекин қайси қаватда туришим эсимдан чиқиб қолди-да.

\* \* \*

Альберт Эйнштейннинг хотинидан нисбийлик назариясини тушунасизми, — деб сўрашибди.

У шундай жавоб бериди:

- Йўқ, тушунмайман. Лекин мен учун энг муҳими Эйнштейннинг ўзини тушунишдир.

\* \* \*

— Менинг эрим буюкларнинг буюги, — мақтанди Эйнштейннинг рафикаси.

- Кўлидан нима иш келади, — деди дугонаси.  
— Пул топишдан бошқа ҳамма нарса...

\* \* \*

Эйнштейннинг ёрдамчиси профессорга дебди:

- Профессор, бутун газеталар сизнинг етмишга кирганингизни ёзишибди.

Ишга ниҳоятда берилиб кетган олим шундай дермиш:

- Яхши, яхши. Менинг номимдан уни табриклаб, битта гулдаста юборинг.

\* \* \*

Альберт Эйнштейн Европадан Американинг Пристон шаҳрига кўчиб боргандан кейин бир оз вакт ўтгач, у ишга жойлашган институт ректорининг қабулхонасида телефон жиринглаб қолади. Котиба аёл телефон дастагини олади.

— Ректор билан гаплашмоқчи эдим, — деган овоз эшитилади дастакдан.

— У киши хозир йўклар, — жавоб беради котиба.

— Ундай бўлса Эйнштейн қаерда яшашини айтиб беролмайсизми?

— Афсуски, айттолмайман. Профессор Эйнштейн ишлашимга халал беришади, деб бегоналарга манзилини бермаслигимни илтимос қилган.

Шунда дастакдан пичирлаган товуш эшитилди:

— Тўғри, ҳеч кимга айтманг. Лекин кўнғироқ килаётган мен — Эйнштейнман. Уйга қайтаётиб адашиб қолдим.

\* \* \*

Таниқли физик Отто Фриш ўзининг эсадаликларида ёзишича, Эйнштейн юмшоқ табиатли шахс бўлгани сабабли сиймосини тасвирлашни истаган кўпдан-кўп сураткашлар, рассомлар ва хайкалтарошларнинг илтимосларини ҳеч қачон рад қилас экан. Турли ҳолатда улар каршисида туриш олимнинг кўп вақтини оларкан. Узоқ танишларидан бири ундан касбини сўраб колибди.

— Натурачилик — менинг асл касбим, — деб жавоб қилган экан олим куйганидан.

### **ҲАЗИЛКАШ МАРК ТВЕН**

Машҳур ёзувчи Марк Твен журнал мухаррири бўлиб ишлаган пайтида бир мактуб олибди. Мактубда бир шеър илова қилинган экан: "Шеърим журналда босиладими-йўқми?"

Шеърга эса : "Мен нега тирик юрибман?" деб сарлавҳа қўйилган экан. "Тирик юрганингизнинг сабаби шуки, — деб жавоб ёзибди,

Марк Твен. — Сиз бу шеърингизни таҳририятга ўз қўлингиз билан олиб келмагансиз".

\* \* \*

Уқувсиз шоир: нима деб ўйлайсиз, шеърларимга яна озгина олов бағишиласаммикин?

Марк Твен: Кўпроқ оловга шеърларингизни бағишиласангиз ақллироқ иш қилган бўлардингиз, — дебди.

\* \* \*

Журналист: 70 йил умр кўришингизга нима сабаб бўлди деб ўйлайсиз?

Марк Твен: 70 йил илгари туғилганим бўлса керак.

\* \* \*

Бир куни Марк Твен номига "ҳайвон" сўзидан бошқа ҳеч нарса ёзилмаган мактуб келди. Эртаси куни газеталарда Марк Твеннинг мактуб эгасига қуийдагича жавоб хати босиб чиқарилди: "Менга доим имзосиз мактублар жўнатишарди. Аммо кеча илк бор имзоли мактубни кўлга киритдим".

\* \* \*

Бир бой киши ёзувчи Марк Твена шундай деб қолди: "Менимча, дунёдаги энг аҳмоқ одам ҳам сизнинг устингиздан кулишга журъат эта олмайди. Шундай эмасми?"

Марк Твен: Кўйсангиз-чи, устимдан куляяпсизми?

\* \* \*

Журналист: Чекишини ташлаш ниҳоятда кийин ва у инсон иродасига боғлиқ дейишади. Шунга қандай қарайсиз?

Марк Твен: Тўғрисини айтсам, чекишини ташлашдан осони йўқ бу дунёда. Масалан, мен бу ишни ҳар куни 5-6 маротаба бажараман.

\* \* \*

Бир куни Марк Твен ресторанга кириб, мол гўштидан қилинган кўк нўхатли овқат буюрибди. Официант олиб келган овқатни

кўриб: — Овқатдаги кўк нўхатларни кўриб турибман, — дебди ёзувчи тақсимчага тикилиб, — аммо гўштлари қани?

— Мана улар, — деб кўрсатибди официант.

— Шуларми? Мен уларни тақсимчанинг дарз кетган чизиқлари деб ўйлабман.

\* \* \*

Кайфияти аъло Марк Твен кунлардан бирида бир аёлни дастурхонга таклиф қиларкан деди:

— Хоним, сиз бугун жуда-жуда гўзалсиз?

Ўринсиз мақтовдан меҳмон аёлнинг жахли чикибди:

— Афсуски, мен сиз ҳақингизда бундай дея олмайман! Табиатан шўх ёзувчи хандон отиб куларкан деди:

— Ундай бўлса, хоним, каминадан ўрнак олинг, сиз ҳам менга ўхшаб ёлгон гапиринг!

\* \* \*

Марк Твеннинг янги ҳикоялари билан танишиб чиқсан ношир муаллифга деди:

— Шуни эслатиб қўяйки, бизда қалам ҳаки бир хил эмас. Ҳар бир асар учун сифатига қараб ҳақ тўлаймиз.

— О, мен бунчалик кўп пул олишни кутмагандим, — дея хитоб килибди Марк Гвен.

\* \* \*

Твеннинг рафиқаси ёзувчининг чапани "фазилати"ни йўқотиш мақсадида ҳар бир сўкишдан сўнг оғзига майдо тошча солиб қўйишни маслаҳат берибди. Бир куни Марк Твен уйига оғзи тўла тош билан келади. Шунда остонада учраган хотинига фўлдираган овозда деди:

— Қолганини юқ машинада олиб келишади!

\* \* \*

Лондон меҳмонхоналаридан бирига тушган Марк Твен мусоифирлар қайд килинадиган дафтарда "Лорд Л. хизматлари

билан" деган ёзувни ўқииди-да, "Марк Твен чемодани билан" деб ёзиб кўйибди.

\* \* \*

Таниқли ёзувчи Марк Твен иштирок этаётган зиёфатда истеъфога чиқсан бир генерал нутқ сўзлабди. Генерал шу қадар узоқ ва зерикарли гапирибдики, залда ўтирганларнинг кўпчилиги зиёфатни ташлаб чиқиб кетибди. Шу пайт Марк Твен ёнидаги шеригига дебди:

Харбий вазирлигимиздаги жаноблар зобитрларнинг қобилиятини ҳали ҳам яхши билишмас экан, мана бу генералнинг истеъфога чиқсан чакки бўлибди. Ахир у ўз нутки билан душманларни ҳам кочириб юбориши мумкин эди-ку.

\* \* \*

Марк Твен ёшлик пайтида Америка президентига қуйидаги мазмунда мактуб йўллаган экан.

— Хурматли президент жаноблари, айтишларича, сиз жуда бадавлат одам экансиз. Мен сиз ҳақингизда ёзилган китобни сотиб олмоқчи эдим. У икки доллар туради. Худо хайрингизни берсин, менга китоб эмас, икки долларни юборсангиз.

\* \* \*

Ёш ёзувчи ўз қўллэзмасини Марк Твenga юбориб ундан маслаҳат сўради.

Марк Твен унга шундай жавоб ёзди:

— Хурматли жаноб! Ҳакимларнинг айтишича, ёзувчилар кўпроқ балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши керак экан. Балиқ гўштида фосфор кўп бўлиб, бу миянинг яхши ишлашига ёрдам берар экан. Асарингизни ўқиб чиқиб, камида иккита кит ейишингиз керак экан, деган хуносага келдим.

\* \* \*

Бир куни Марк Твен бир шаҳарга маъруза ўқигани борибди. Ўзига бироз оро бериш учун сартарошхонага кирибди.

— Сиз шаҳримизга яқинда келганга ўхшайсиз, — дебди сартарош.

— Ҳа, шундай.

— Омадингиз бор экан. Бугун Марк Твен маъруза ўқииди. Борасизми?

— Ҳа, албатта.

— Лекин тик туришингизга тўғри келади — барча билетлар сотиб бўлинган экан.

— Зарари йўқ, у қачон маъруза ўқиса, доимо тик туришимга тўғри келади.

\* \* \*

Бир йигит машхур ёзувчи Марк Твенга мактуб ёзиб, ота-онасининг ҳеч нарсани тушунмаслигидан шикоят қилибди. Твен унга жавоб йўллади: "Сабр қилинг, мен ўн тўртга кирганимда, Отам шунақа ахмок эдики, бунга зўрга чидар эдим.

Аммо йигирма бир ёшга кирганимда қарасам, отам ўн етти йил мобайнида жуда-жуда аклли бўлиб қолибди. Буни кўриб лол колишдан бошқа иложим қолмади.

## ҲОЗИРЖАВОБ ШОУ

Бир куни Шоу театрга спектакль бошлангандан кейин келибди. Билет текширадиган хотин унга ложанинг эшигини очибди-ю:

— Секингина кириб ўтира қолинг, — депти. Шоу эса билет текширувчидан: Нега? Томошибинлар дарров ухлаб колишдими? — деб сўрабди.

\* \* \*

Бир куни Шоу от миниб сайдга чиқди. У йўлда учраган бир кишига мурожаат қилди:

— Биродар шу отим жиловидан ушлаб турсангиз-чи, мен шундокқина почтахонага кириб чиқмоқчи эдим.

— Нима деяпсиз, жаноб, мен парламент аъзосиман-ку! — деди у жаҳл билан.

— Кўринишингиздан, соф виждонли одамга ўхшайсиз. Майли, мен таваккал қилиб, сизга ишонаман, — деди хотиржамлик билан.

\* \* \*

Бир куни Бернард Шоу сартарошхонага кирди. Сартарош эзмалиги билан донг чиқарган эди. У Шоуни стулга ўтқазиб улгурмай, жуда кўп гапларни гапириб ташлади. Кейин сўради:

- Сочингизни қандай олай?
- Иложи бўлса гапирмасдан, — деб жавоб берди, — Шоу.

\* \* \*

Бернард Шоу кексайиб қолган пайтда танишларидан бири ундан: Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? — деб сўрабди.

— Менинг ёшимда, — деб жавоб бериди Шоу, — одам ўзини ё яхши ҳис этади, ё бўлмаса умуман ҳеч нарса ҳис этмайди.

\* \* \*

Бернард Шоу янги пеъсани кўришга таклиф этилди.

Спектаклдан сўнг ёш режиссер ёзувчидан сўради:

- Комедия, драма ва трагедия ўртасида қандай фарқ бор?
- Йигитча, — жавоб берди. Бернард Шоу, — комедия, драма ва трагедия ўртасидаги фаркни билмаслигинги шахсан мен учун — комедия, томошабин учун — драма ва ўзингиз учун — трагедия.

\* \* \*

Машҳур инглиз драматурги Бернард Шоуни кўролмайдиганлар кўп эди. Даврада ўтирган бир одам унга деди:

- Сизнинг отангиз оддий тикувчи бўлган-а?
- Ха, — осоиишталик билан жавоб берди ёзувчи.
- Унда нега у сизни тикувчи қилмади? — сўради у.

Бернард Шоу кулди ва сўради:

- Сизнинг отангиз ким бўлган?
- Менинг отам! Мейинг отам, сэр, — деди у мағурланиб, — менинг отам жентельмен бўлган.
- Нима у сизни жентельмен қилмади?

\* \* \*

Бир тантанада америкалик сармоядор чуқур хаёл суреб ўтирган Бернард Шоу билан учрашиб қолди.

— Мистер Шоу мен нимани ўйлаб ўтирганингизни билиш учун бир доллар тўлашга розиман, — дея хитоб қилди у.

— Э, менинг ўйларим бир долларга ҳам арзимайди, — дебди машхур драматург.

— Айта қолинг энди, — сармоядор кистаб кўймабди.

— Сиз ҳақингизда ўйлаёттандим, — бажонидил жавоб берибди Шоу.

\* \* \*

Кунлардан бир куни донғи бутун мамлакатга кетган Бернард Шоу кўчада сайр қилиб юрарди. Сайр пайтида драматург бир велосипедчи билан тўқнашиб кетишига сал қолди. Хайриятки, ҳайдовчи вақтида велосипедни тўхтатиб қолишга улгуради. Шўрлик қуркиб кетиб, адибдан узр сўрай бошлаган эди ҳамки, Шоу унинг сўзини бўлди:

— Омадингиз чопмади-да, жаноб! Яна озгина шижаот билан келганингизда эди менинг котилим сифатада тарихда абадий қолиб кетардингиз.

\* \* \*

Бир куни Бернард Шоу хайр-садақа йўли билан уюштирилган кечада қатнашиб, кексароқ аёллардан бирини танцага таклиф этабди. Танца тамом бўлгач, ҳалиги аёл уялиб, қизариб атокли ёзувчига миннатдорчилик билдирибди. Бернард Шоу унга жавобан шундай дебди:

— Миннатдорчилик билдиришнинг ҳожати йўқ, хоним. Ахир, биз хайр-садақа кечасида иштирок этяпмиз-ку.

\* \* \*

Зиёфат ҷоғида Шоу каттагина тўкимачилик фабрикаси раҳбарининг рафиқаси билан ёнма-ён ўтиради.

— Жаноб Шоу, — деди хоним адибга юзланиб. — Сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим. Охирги пайтда негадир семириб кетяпман. Озиш учун нима қилсам экан?

Шоу бироз соколини силаб, жиддий оҳангда деди:

— Озишнинг жуда ҳам самарали бир йўлини биламан-у, фақат уни сизга қандай тушунтириб беришни билмаяпман... — ахир "мехнат" сўзи сиз учун нотаниш-ку!

\* \* \*

Янги асари премерасидан олдин Бернард Шоу бош вазир Уинстон Черчиллга мактуб жўнатди: "Мана Сизга иккита чипта. Бири ўзингизга, иккинчиси дўстингизга, агар бўлса, албатта". "Афсуски, премерага боролмайман, — жавоб мактуби келди Черчиллдан, — бироқ, кейингисига келишга ваъда бераман, агар бўлса, албатта".

\* \* \*

Шоу катта йиғилишларнинг бирида ҳар қандай аёлнинг ҳам ўз баҳоси бор, деган экан. Бу гап бора-бора қироличанинг ҳам қулогига етиб келибди. Бир куни қиролича адиб билан сухбатлашаётib:

— Жаноб Шоу, сиз ҳар қандай аёлнинг ўз баҳоси бор, деб айтган экансизми?... — деб сўрабди.

— Ҳа, жаноби олиялари, айтганман.

— Хўш, ундей бўлса, менинг нархим қанча экан?

— Ўн минг фунт стерлинг, жаноби олиялари.

— Шунчалик арzonми? — хафа бўлиб сўради қиролича.

— Мана, айтмаганмидим, савдолашишни ҳам бошлаб юбордингиз...

\* \* \*

Бернард Шоу дўсти билан бир ресторонга кириб, янги китоблар борасида сухбатлашишга киришибди. Бироқ уларнинг сухбатига баланд мусиқа халақит бераётган экан. Шоу оркестр томонга юзланди. Капелмейстер, машхур адиб унга қараб турганини кўриб, тезда олдига келди.

- Сиз учун нимани ижро этишимни хоҳлар эдингиз?  
— Мен учунми?... деди Шоу. — Очиги, бир партия шахмат ўйнасангиз, жуда хурсанд бўлардим...

\* \* \*

Бернард Шоу бир куни жуда семиз одам билан учрашиб колибди. Бояги бақалоқ, озғингина Шоуга қараб, дебди:

Ахволингизни кўриб, гўёки бутун Англия очлиқдан қирилиб кетяпти, деб ўйлаш мумкин.

— Сизнинг ахволингизни кўриб эса, гўёки бу балога сиз сабабчи, деб ўйлаш мумкин, — дебди адиб жаҳл билан.

\* \* \*

Бернард Шоу 60 ёшга тўлганида муҳлисларидан бири унга:

— Сиз ҳозир олтмиш ёшга эмас, балки уч маротаба йигирма ёшга тўлдингиз, — дебди.

— Ҳа-да, — деди буюк адиб бунга жавобан. — Агар насиб этса, 80 ёшга кирганимда йигирма маротаба тўрт ёшга тўлган болакай бўламан.

\* \* \*

Бернард Шоудан сўрашибди:

— Сиз қандай қилиб ҳозиржавоблик билан ақлли гапларни топасиз?

— Э, бундан осон нарса йўқ, — дея жавоб берибди машхур ёзувчи, — бемаъни нарсаларни хаёлимдан ўтказаман-да, кейин тескарисини айтаман.

\* \* \*

1925 йилда Бернард Шоу Нобель мукофоти совриндорига айланди. Ҳар қандай мукофотларга қарши бўлган адиб уни топшириш маросимида қатнашишдан бош тортди.

— Бу менинг бир йил давомида ҳеч нарса нашр эттирмай, дунёни бир ташвишдан халос этганим учун миннатдорчилик

белгисидир, — хазил аралаш оҳангда деди адаб журналистларга берган интервьюсида.

"Нобель мукофоти — қирғоққа етиб келган ёзувчига ташланган күтқарув ҳалқасидир. Уни одамзоднинг душманлари ўйлаб топган", деди адаб ва мукофотнинг маблағини ўзига олиб қолишдан бош тортиб, барчасини инглиз-швед таржимонлар жамғармасини ташкил этишга сарфлади.

\* \* \*

Бернард Шоу бир куни эски китоблар сотадиган дўконидан ўз пеъсаларидан бирининг илк нашрини топиб олади. Китобда "Роберт Фуксга. Ҳурмат билан Бернард Шоудан" деган ёзув бор экан. Драматург китобни харид қдлиб, уни яна Роберт Фуксга юборади. Бу гал аввалги ёзувнинг тагига янгиси илова килинган эди: "Сизга бўлган ҳурматимни яна бир бор тасдиқлайман. Шоу".

\* \* \*

Бир ўртамиёна актёр Шоудан тавсиянома сўрабди. Адаб ёзиб бериби: "— Бу актёр Гамлет, Ромео, Фердинанд ролларида ҳамда бильярд ўйнайди. Айниқса, охиргисини маҳорат билан ўйнайди .

\* \* \*

Бернард Шоудан сўрашибди:

— Ғам-аламларни кимга айтган маъкул: дўстгами ёки душмангами?

— Албатта, душманга-да! Улар суонганидан охиригача эшитишади.

\* \* \*

Драматург Бернард Шоу ўзининг машхур бир пеъсаси кўригидан сўнг бош ролни ижро этган актрисага куйидаги мазмунда хат жўнатади: "Қойилмақом, фавқулодда ходиса десаям бўлади, ҳаттоқи илохий..."

Ҳаяжонланган актриса жавоб қайтаради:

"Ошириб юборибсиз".

Шоу яна хат жүнатади: "Мен ижрони эмас, пеъсани назарда тутгандим".

Актриса жавоб ёзади:

"Мен ҳам".

\* \* \*

Машхур инглиз адаби Бернард Шоуни ёш скрипкачининг концертига таклиф қилишади.

Концертдан сўнг зиёфат бекаси ёзувчидан ёш ижрочининг концерти ҳақидаги фикрини сўрайди.

— Менга у Падеревскийни эслатиб юборди, — дея жавоб қиласи Шоу.

— Ахир Падеревский скрипкачи эмас-ку?! — дейди хоним хайрон бўлиб.

— Худди шунинг учун ҳам эслатди-да!

### **"БУЛБУЛНИ ЮТГАН ФИЛ"**

Генрих Гейнедан сўрашибди:

— Қандай қилиб, сиз шоир бўлиб етишдингиз-у, амакингиз бадавлат банкир бўлди?

— Болалигимда менинг ойим кўпроқ шеър ўкиб берарди. Амакимнинг ойиси эса унга кўпроқ қароқчилар ҳақида эртаклар айтиб берарди.

\* \* \*

— Француз тилини ўрганиш қийинми? — деб сўрабди бир хоним Гейнедан.

— Мутлақо қийин эмас! — деб жавоб берибди машхур шоир. — Шунчаки, немисча сўзлар ўрнига французча сўзларни кўшиб гапираверасиз.

\* \* \*

Генрих Гейне ажойиб хушовоз, лекин ҳаддан ташқари семириб, йўғонлашиб кетган бир хонанда аёл ҳақида:

— Булбулни ютиб олган фил! — деган экан.

### "ҒАРОЙИБ ҲОДИСА..."

Вольтер меҳмондорчиликда икки шилкимнинг ўртасига ўтириб колибди. Ёзувчи устидан кулмокчи бўлиб, улардан бири сўради: "Ичмоққа бирор нарса беринг" — дейиш керакми ёки "ичмоққа бирор нарсангиз борми?"

— Сизлар учун бунинг иккаласи ҳам тўғри эмас, энг яхшиси: "Бизни сугоришга олиб боринг" дейиш сизларга мос, — деб жавоб қайтарибди Вольтер.

\* \* \*

Ўтакаси ёрилган хизматкор Вольтернинг олдига чопиб кириб, хўжайин даҳлизда қолдирган хассага бир илон ўралиб турганини айтади.

— Бу ғаройиб ҳодиса. Балки бирон кутилмаган нарсанинг содир бўлишидан далолат берар? — дейди у.

Хеч қандай ғаройиб хрдисани тан олмайман, — деб жавоб беради файласуф. — Агар менинг ҳассам илонга ўралиб қолганда эди. Буни ҳақиқатан ҳам ғаройиб ҳодиса дер эдим.

\* \* \*

Бир ношир Вольтерга шундай мактуб жўнатади: "Менда сизни таҳқирловчи анчагина латифалар жамланган. Агар менга минг луидор юборсангиз, уларни эълон қилишдан воз кечаман".

Вольтер ҳам ўз навбатида куйидаги жавоб хати ёзибди: "Каминада ҳам ўзим ҳақимдаги ўшанақа латифалардан топилади, агар менга эллик луидоргина жўната олсангиз, мен уларни сизга жон-жон деб юборган бўлардим".

## **“УЗУНРОҚ ПАЛЬТО КИЙИБ ОЛ”**

Гётенинг уйидаги хизматкор бола бир куни ошхонадан чүрттан баликни ўғирлади. У ўлжасини пальтосига яшириб, уйдан чиқиб кетаётган эди. Шоир пайқаб қолиб, секин ёнига чакириди:

- Бу ёкқа кел-чи, ўғлим!
- Нимани буюрадилар жаноб?
- Келаси сафар балиқ ўғирласанг, кичикроғидан ўғирлагин, ёки узунроқ пальто кийиб олгин, тушундингми?

\* \* \*

Буюк немис шоири Гёте саксон ёшида ҳам очық ҳавода сайр килишни канда қилмаган экан. Кунлардан бирида у котиби Эккерман билан Веймар хиёбонларидан бирида айланиб юардиди. Кутылмаганда уларнинг олдидан бир сохибжамол қызы ўтиб қолади. Шунда Гёте котибиға қараб бундай дейди:

- Эх, азизам Эккерман, қани энди шу топда етмиш яшар бўлиб қолсам...

## **“ЎЗИМНИ ЯХШИ ҲИС ЭТАЯПМАН”**

Кунлардан бир куни ёш Чарли Чаплин дўкон пештахтасини бехосдан синдириб қўяди. Бундан кўркиб кетиб, қоча бошлаган Чаплинни дўкон хўжайнини қувиб кетади:

- Қаёққа кочаяпсан, безори, синган пештахта пулини ким тўлайди?

Чаплин жавоб беради

- Албатта мен. Кўрмаяпсизми, уйдан пул олиб келиш учун чопиб кетаяпман-ку!

\* \* \*

Мехмонхонадан чикаркан, Чарли Чаплин ресторон огаси чўнтағига чойпули деб 20 франк солиб қўйди.

Эшик оға хафа бўлиб, артистга деди:

Үтган сафар менга 40 франк бериб, соғлигим учун ичсангиз деган эдингиз...

— Бугун мен ўзимни анча яхши ҳис этяпман, — деб жавоб берди артист.

## МАҒЛУБ ЧАПЛИН

Американинг машхур кино актёри Чарли Чаплинни томошибинлар жуда яхши кўрарди. Кино ишлаб чиқарувчи компаниялар уни ўз киноларида қатнашишга чакқирадилар. Чаплин барча компанияларни қаноатлантиrolмайди ва кўпларининг таклифини рад қилишга мажбур бўлади. Шундан кейин улар бошқа артистларни ёллаб, Чарли Чаплинга ўхшатиб грим қиласидар.

Бироз вақт ўтгач, Чаплин ролида ўйновчи шундай артистлар жуда кўпайиб кетган. Кино компанияларидан бири шу ролни бажарадиган актёрларнинг танловини ўтказади. Танловда қатнашиш учун жюри хайъати олдига бир неча ўнлаб киши келади. Бу артистлар Чарли Чаплинга мумкин қадар кўпроқ ўхшашга, унинг ўйиндаги қилиқ ва усулларга имкони борича яхшироқ тақлид қилишга уринадилар.

Танлов тугагандан кейин жюри Чарли Чарлинга кўпроқ ўхшаган ролини қойилмақом қилиб ўйнаган артистни голиб сифатида эълон қилибди. Аммо танловда қатнашиб, биринчиликни ололмагач артистлардан бири шовқин кўтариб норозилик билдиради.

Бу — танловда билдирамасдан келиб қатнашиб, биринчиликни ололмаган Чарли Чаплининг ўзи эди.

## “УЧ ЮРИШДА МОТ”

Машхур ёзувчи Эрнест Хемингуэй тасвирий санъат асарларига жуда ишқибоз бўлган. Ҳатто, унинг нодир расмлар тўпланган каттагина галереяси ҳам бор эди. У кўлга киритган расмлари билан фахрланар, уларни кўз-кўз қилишни ёқтирадар эди. Уйига келган меҳмонларни бу галереяни томоша қилдирмай жўнатмасди.

Кунлардан бирида бир меҳмон бошқа расмларга парво қилмай шахматчилар тасвиirlанган расмга узок кўз тикиб қолади. Буни пайқаган ёзувчи меҳмондан:

— Бу расм Сизга ёқдими? — деб сўрабди ва саволга шундай жавоб қилибди:

— Ёқканда қандоқ! Азамат уч юришда мот қилибди-я!

\* \* \*

Эрнест Хемингуэй овга жуда ишқибоз экан. Кунлардан бирида у ов саргузаштларидан гапириб бераётгандан тингловчилардан бири сўраб қолибди.

— Айтишларича, агар одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, унга ёввойи ҳайвонлар даф қилмас экан. Шу тўғрими?

— Бу машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлик, — деб жавоб бериди машхур ёзувчи.

\* \* \*

Эрнест Хемингуэй меҳмондорчиликда бадавлат бир савдогарнинг ёнида ўтириб қолади. У ёзувчига бўлар-бўлмас саволлар беравериб энсасини котиради. Ниҳоят савдогарнинг:

— Сиз менга айтинг-чи, қандай ёзиш керак? — деган саволига Хемингуэй шундай жавоб беради:

— Чапдан ўнгга караб ёзиш керак!

### “СИМФОНИЯ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?”

Ҳаваскор композитор Моцартдан "Симфония қандай ёзилади?" деб сўрабди.

— Сиз хали ёш экансиз, балки баллада ёзишдан бошларсиз? — дебди Моцарт.

— Ўзингиз дастлабки симфонияларни ўн беш ёшда ёзгансиз-ку?

— Жуда тўғри, — дебди Моцарт. — Лекин мен қандай ёзиши ҳеч кимдан сўрамаган эдим.

\* \* \*

Вена күчаларидан бирида бир гадой Моцартдан садақа сўрайди. Композиторнинг чўнтағида пули йўқ эди. У гадойни шу яқин ўртадаги қаҳвахонага олиб киради. Стол атрофига ўтиришгач, чўнтағидан қоғоз чиқариб, менуэт ёзади-да, уни гадойга узатади. Гадой Моцарт айтган манзилга менуэтни олиб бораркан, ўзича "ҳойнаҳой", бу одам мени лақиљатган бўлса керак", деб ўйлади. Аммо манзилга етгач, таажжубдан лол колди: номи кўрсатилган ношир

гадойнинг кўлидан қоғозни олиб, унга бешта олтин танга берди!

\* \* \*

Етти яшар Моцарт Франкфут шахрида концерт берадётганида унинг олдига тўрт ёшли бола келибди.

— Сен жуда ажойиб чалар экансан. Мен ҳеч қачон бунақа чалолмайман.

— Нега энди? Бир уриниб кўр. Ҳеч нарса чиқмаса, нота ёза бошла.

— Мен... шеър ёзаман.

— Бу ҳам яхши. Яхши шеър ёзиш мусиқа ёзишдан қийин.

— Йўғ-е, шеър ёзиш осон. Сен ёзиб кўр.

Моцартнинг сухбатдоши Гёте эди.

### "МЕНГА ҚИЙИН БЎЛАДИ"

Тосканидан нега унинг оркестри таркибида бирорта ҳам аёл киши йўқлиги хақида сўраб қолишибди.

— Биласизми, — дея жавоб беради маэстро, — аёллар халақит беришади. Агар улар чиройли бўлишса — менинг мусиқачиларимга, хунук бўлишса — менга қийин бўлади!

\* \* \*

Артуро Тоскани Америкага борганида Нью-Йорк оркестрига дирижёрлик киларди. Кунлардан бир куни у оркестр билан куйлаётган кўшиқчи хонимга танбех беради.

— Ахир мен машхур артистман! — дейди ҳакоратланган хоним, — сиз буни биласизми?

Тоскани иддао билан шундай жавоб қиласы.

— Ташибишилманг, машхурилгингизни ҳеч кимга айтмайман!..

### “КУЙЛАШНИ БАС ҚИЛИНГ”

Машхур итальян қүшиқчиси Карузо сафарга чиққаныда машинаси бузилиб қолиб бир фермернинг кўргонига келиб колади.

Кўшиқчи ўз исмини айтганида фермер эгаси ўрнидан туриб кетиб, Карузонинг кўлини ҳаяжон билан қисиб, шундай хитоб қиласы:

— Мен қачонлардир бир куни ўз уйимда машхур саёҳатчи Робинзон Крузони кўраман деб ўйламагандим.

\* \* \*

Карузо уй сотиб олиб, таъмиrlашга усталарни ёллади. У ўзича кўшиқ ва арияларни хиргойи қилиб турганда хонага усталарнинг ишбошиси кириб келади:

— Бир дақиқага... Сиз ҳойнаҳой уйингизни тезроқ таъмиrlанишини хоҳласангиз керак?

— Албатта, — дея жавоб беради Карузо.

— Ундей бўлса кўшиқ айтишини бас қилинг. Усталар кўшиғингизга маҳлиё бўлиб ишламай кўйишади.

\* \* \*

Машхур кўшикчи Карузо Америкада томоша кўрсатиб юрганида бир куни банқдан пул келадиган бўлиб қолади. У чекни узатаёттанда ёнида шахсини тасдиқловчи ҳеч қандай хужжати йўқлиги маълум бўлади. Хазиначи табиийки пулни беришдан бош тортади. Карузо пул жуда ҳам зарурлигини айтиб, илтижо қиласы. Кор килмайди. Шунда буюк итальян қўшиқчиси машхур операдан бир арияни қойилмақом қилиб ижро этганида банк ходимлари ҳайратдан лол колиб, санъаткорни қарсаклар билан олкишлashingadi.

Хазиначи шу захотиёқ пулни эгасига беради.

## "АНЧА ДАДИЛСИЗ"

Дарсларга ёлчитиб бормайдиган, фанни ҳам яхши ўзлаштирмайдиган талаба иккинчи маротаба Рентген хузурида синовдан ўтаётганди.

— Сизга ким маъруза ўқиганди? — деб сўради олим.

Талаба бир қанча исму шарифларни санади. Рентген мамнун алпозда бош силкиди.

— Мана кўряпсизми, бугун олдингидан анча дадилсиз. Сиз маърузаларини тинглашингиз керак бўлган профессорларни билиб олибсиз.

\* \* \*

Машхур немис физиги Вилгельм Конрад Рентген бир куни қизиқ бир мактуб олди. Мактуб муаллифи шундай деб ёзган эди:

— Жаноб Рентген, илтимос менга рентген нуридан бир кутичага солиб юборсангиз. Кўкрак кафасимда ўқ қолганга ўхшайди, шуни текшириб кўрмоқчиман.

Рентген унга шундай жавоб ёзди:

— Аксига олиб нурларим тугаб қолган эди. Икки кун ичida яна ишлаб чиқараман. Вақтни бой бермай десангиз, зудлик билан менга кўкрак кафасингизни жўнатинг.

## "ОТИНГ НИМАЙДИ"

Бир куни композитор Бородин хотини билан чет элга жўнабди. Чегарада паспорт текширадиган амалдор Бородиндан хотинининг исмини сўрабди. Паришонхотир композитор хотинининг исмини эслолмай, индамай тураверибди. Амалдор ҳар хил хаёлларга бориб, унга ўқрайиб қараб тураверибди. Шу пайт хонага Екатерина Сергеевна кириб келибди.

— Катя! Қаёкларда юрибсан? Отинг нима эди? — дебди композитор енгил тортиб.

\* \* \*

Бир куни кечкурун Александр Бородин уйига дўстларини таклиф қиласди. Мехмонлар овқатланишади, куй чалишади, мириқиб сухбатлашишади. Бир вақт Бородин сапчиб ўрнидан туради-да, дўстлари билан хайрлаша бошлади.

— Йўл бўлсин, Александр Порфириевич? — сўрайди меҳмонлар ажабланиб.

— Хайр, яхши қолинглар, уйга боришим керак, эрталаб маърузам бор, — дейди олим.

Дўстлари бараварига кулиб юборишади. Шундагина мезбон ўз уйида эканлигини билиб қолади.

### "БУ СИЗЛАРНИНГ ИШИНГИЗ..."

Францияни босиб олган немис-фашистлари рассом Пикассонинг устахонасига тез-тез кириб турадиган бўлишибди. Рассом уларнинг ҳар бирига ўзининг битта асаридан олинган фотонусхасини "эсадалик учун" ёзib бераверибди. Пикассонинг ўша асарида эса, Испан қишлоғининг фашистлар томонидан яксон килиниши тасвирланган экан.

Кунларнинг бирида устахонага гестапо агенти кириб келибдида, сумкасидан ўша фотонусхалардан бирини олиб, рассомга кўрсатибди:

— Бу сизнинг ишингизми?

— Йўқ, — дебди Пикasso, — бу сизларнинг ишингиз!...

\* \* \*

Бир куни Пабло Пикasso бир кишининг портретини чизиб бўлгач, унга деди:

— Мана, расмингиз ҳам тайёр. Энди ўзингиз унга ўхшашга харакат қилинг!

## ДАМ ОЛСАНГИЗ БЎЛАРДИ

Таниқли электротехник олим Томас Алва Эдисоннинг хотини бир куни эрига: — Ҳадеб ишлайвериб чарчадингиз, бирон жойга бориб дам олсангиз бўларди, — дебди.

— Қаерга борай? — сўрабди олим.

— Ўзингизга ёқкан бирон жойни танлангда, хордиғингизни чиқаринг.

— Бўпти, танладим. Эртагаёк, жўнайман.

Эртасига эрталаб хотини Эдисонни лабораториядан топибди.

\* \* \*

Машҳур американлик олим Эдисонга шогирдларидан бири менда ажойиб фикр туғилди, — деди. — Барча нарсаларни эритиб юборадиган универсал эритувчини кашф қилмоқчиман, лекин бу муаммони ҳал этиш учун маблағ масаласида қийналиб турибман.

— Универсал эритувчи? Ҳайрон бўлиб сўради Эдисон. — Ахир, уни қайси идишда сакламоқчисиз?

\* \* \*

— Ижодий ишингизга оила аъзоларингизнинг ёрдами тегармиди? — деб сўрашди журналистлар машҳур ихтирочи Эдисондан.

— Албатта! — деди олим. — Масалан, айтайлик, миямга бир фикр келиб қолди. Шунда мен ўзимча қилдан қил қийиқ ахтара бошлайман. Жаҳлим чиқиб, эшикни тарақлатиб ёпаманда, хонамда ўтирволиб, ишлайвераман. Уйдагилар жаҳлимни чиқармаслик учун қўрқиб-писиб, оёқ учида юришади. Ана шу фурсатдан фойдаланиб, ўз кашфиётларимни амалга ошираман.

## “СИЗНИ БАГОЯТ ЭЪЗОЗЛОВЧИ”

Ўтган асрнинг ўрталарида Парижда опереттолар ёзиб кун кўрадиган бошловчи адабиётчи йиртиқ-ямоқ кўйлакда юриб, онасига "Сизни бағоят эъзозловчи узун бурун"... деб имзо чекканча мактуб битган экан.

Бу камбағал ҳамда ҳазилкаш киши бўлажак фантаст ёзувчи ва олим Жюль Верн эди.

\* \* \*

Бир куни Жюль Верндан сўрашди.

- Қайси пайтларда фикрингиз янада ўткироқ ишлайди?
- Хар куни эрталаб уйғониш пайти яна ўн дақиқагина мизғиб олсам, деб ўйлаганимда, — дея жавоб берди буюк ёзувчи.

### ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ

Радий ва полоний элементларини очишга мұяссар бўлган эр— хотин Кюрилар бир куни лондонлик аристократларнинг зиёфатида иштирок этадилар. Зиёфат давомида Мария Кюри инглиз аёлларининг тақинчоқларига қизиқиб қараб ўтиради. У ёнига бурилиб, Пер Кюрининг ҳам инглиз аёлларига тикилиб турганини кўради.

Мехмонхонага қайтиб келишгач, Мария эридан сўрайди:

- Мен-ку, аёл бўлганим учун уларнинг тақинчоқларига кўз юргутирдим. Сен ҳам негадир уларга тикилганинг тикилган бўлди!
- Мен ўша тақинчоқлар пулланса, неча лаборатория куриш мумкин экан, деб ўйлаб ўтирдим, — дея жавоб беради Пер Кюри.

### ШАХМАТ ОЛАМИДА

Гроссмейстер Смисловнинг овози жуда ширали эди. Михаил Талнинг тренери Александр Кобленц Порторожда ўтказилган турнирга келган экан. У бўш вақтларида рус ва инглиз тилларида кўшиқ айтарди. Бир куни ногоҳ унинг олдига бир аёл келиб:

- Жуда мазза қилдим, раҳмат! Кўшиғингиз менга бир улкан санъаткорни эслатди, — деди.
- Энрико Карузоними? — деди хурсанд бўлиб Кобленц.
- Йўқ. Василий Смисловни, — деб жавоб берди аёл.

\* \* \*

Жаҳон чемпиони Ласкер Бостонда бир неча таҳтада бир йўла шахмат ўйнаётганида бир шахматчининг аҳволи жуда танг бўлиб колди. Лекин у бўш келмай:

— Дурангга, қалайсиз, доктор? — деди олдига келган жаҳон чемпионига.

Унинг ишонч билан гапириши Ласкерга ёқиб тушди-да, кулиб, дурангга рози бўлди. "Аттанг, унга таслим бўлинг десам бўлар экан" дея афсусланди ўзига бино қўйган шахматчи.

\* \* \*

Чемпионатлардан бирида мастер Шервин устма-уст ютаверди. Решевский ҳам ундан қолишмасди.

Мусобақа ўрталарида Решевский Шервинга қараб, деди:

— Шу кетишингизда давом этадиган бўлсангиз, сизни тўхтатишим керак бўлади.

— Эҳтимол, — деди мастер, — лекин аксинча бўлиб қолмаса бас.

— Минг йилда ҳам бўлмайди, — дея жаҳли чиқди Решевскийнинг.

Бир неча тур ўтгач, улар ўзаро куч синашганда Решевский Шервинга бой бериб қўиди.

— Вактнинг тез ўтишини қаранг-а, гроссмейстер, — Шервин ўрнидан туаркан.

\* \* \*

Халқаро турнирларнинг бирида югославиялик Видмар билан польшалик Рубинштейн учрашуvida қизиқ воқеа рўй берди. Оғир аҳволда қолган Видмар ракибига дуранг таклиф қилди. Польшалик гроссмейстер хурматли профессорга рад жавобини беришни лойик топмай, деди.

— Агар мутахассислар шу вазиятни дуранг деб топишса, мен нима ҳам дердим.

Видмар кулди-да, таслим бўлди.

\* \* \*

Наполеон Бонапарт император бўлишидан олдин Париждаги "Режене" клубида тез-тез шахмат ўйнаб тураркан. Ўини анча бўш экан. Мабодо ракиби узокрок ўйланиб қолса, бетоқат бўлиб, лабларини чўччайтириб, тахта четини бармоқлари билан тақиллатар экан. Худо кўрсатмасин, агар ютказиб қўйгудек бўлса, шуҳратпарааст генерал муштини ишга солиб, тахтадаги сипоху пиёдаларнинг кулини кўкка совуаркан.

1978 йилдаги газеталардан бирида шундай ёзганди:

"Наполеон шахматни жуда ёмон ўйнаса-да, деярли ҳамиша ютиб чиқарди. Хушомадгўй ракиблар шундай қилишга мажбур эдилар. Дарҳақиқат, бўлажак император паришонхаёл ўйнар, сабабсиз пиёда ва сипоҳларини йўқотар, шу боис ракибларининг унга сездирмасдан ютказиб беришлари осон кечмас эди".

\* \* \*

Қароқчилар XVI асрнинг машҳур шахматчиси Жованни Леонардонинг укасини асир олиб, 200 олтин дукат товон пули талаб қилишади.

Шартни бажариш учун кемага келган шахматчи ногоҳ кема бўлмасидаги шахматни кўриб қолади. Унинг қизикишини сезган қароқчилар бошлиғи 50 олтин дукат соврин тикиб, бир партия ўйнашни таклиф киласди.

Машҳур шахматчи жами олти партияни ютиб, укасининг товон пулинигина эмас, кўшимча яна 100 дукатни ҳам ўз фойдасига ҳал киласди.

\* \* \*

Америка президенти Линколн бўшроқ ўйнаса-да, шахматни жуда яхши кўярди.

Кунлардан бир куни у меҳмонхонага кириб, шахматга кўзи тушади ва меҳмонхона хўжайнинга бир жуфт шахмат ўйнашни таклиф киласди.

Ажабланарлиси шундаки, у ҳар икки партияни тезда бой беради.

— Ҳеч қачон бу қадар тез ютказмагандим! — дейди президент.

— Мен ҳам умримда ҳеч қачон бу қадар тез ғалаба қозонмаган эдим! — дейди меҳмонхона хўжайини.

\* \* \*

XVI асрнинг бир машхур шахматчиси Паоло саёҳат пайтида қароқчилар қўлига тушиб қолади. Улар Паолони денгиз қароқчиларини шахмат ўйнашга ўргатгани учун товонсиз озод қилишади.

### КУНЛАРДАН БИР КУНИ...

"Севиля сартароши" спектакли премерасидан кейин ҳаяжонланиб кетган томошабин Бомаршедан сўради:

- Бу қадар қизик ёзишга қандай қилиб эришдингиз?
- Шунаقا, эришмай бўладими, — деди у қулиб, — номим машхур бўлганидан кейин қизик ёзишга мажбурман-да.

\* \* \*

Айтишларича, Конан Дойль ўзининг ўн нафар танишлари — энг муҳтарам инсонларни жуда боплабди, яъни қисқача: "ҳаммаси фош бўлди" дарҳол қочиб қолинг, деган мазмунда телеграмма жўнатибди.

Уларнинг барчаси бир кеча-кундуз мобайнида мамлакатни тарк этишибди.

\* \* \*

Машхур олим Н. Боткиндан бемор сўрабди:

- Айтинг-чи, дўхтир озиш учун қандай машқлар фойдали?
- Бошингизни ўнгга ва чапга буриш, — деб жавоб бериби олим.
- Қачон?
- Қачонки сизни меҳмон қилишаётганда.

\* \* \*

Машхур киноактёр Адолф Менжу Нью-Йорклик тикувчига буюртма бериби. Уста бир ой ўтгачгина буюртмани бажариби. Шимни олаётган Менжу жаҳл билан дебди.

— Аллоҳ таоло оламни етти кунда яратган, сиз бўлсангиз битта шимни ўттиз кунда тикдингиз.

Бунга тикувчи хотиржам жавоб берди:

— Жанобим, бу оламга қаранг ва бу шимга қаранг, қандай тикилган.

\* \* \*

Таникли бастакор Раҳманинов суратга тушишни ёқтиргмаган экан. Ресторанда ўтирганида сураткаш унга объективни тўғрилайди. Раҳманинов унга бакирди:

— Тинч қўйинг мени!

У кўли билан юзини тўсишга улгуради. Оқшомги газетада унинг сурати шундай тагсўз билан эълон қилинди: "Миллион турадиган қўллар".

\* \* \*

Кунлардан бирида таникли адаб Жером К. истироҳат боғидаги кўлда бир хоним билан қайиқда сайр қиласарди. Ёзувчининг укувсизлик билан эшкак эшаётганини пайқаб қолган ҳамрохи унга деди:

— Худо кўрсатмасин, мабодо қайиқ ағдарилиб кетса, чўкиб кетишим турган гап. Ахир мен сузишни билмайман!

— Кўп ташвиш чекманг, хоним, — дея жавоб қилди Жером, — агар қайиқ тўнтарилиб кетадиган бўлса, мен сизни ёлғизлатиб қўймайман. Чунки мен ҳам сузишни билмайман.

\* \* \*

Лев Толстой ортидан гурух-гурӯҳ бўлиб эргашиб юрадиган газетачиларни ёқтирас экан. Бир мухбир ёзувчи билан сұхбатлашиш учун рухсат сўрабди.

— Сизга бунинг нима кераги бор ўзи? — дебди Толстой.

— Қанақасига керак бўлмас экан, Лев Николаевич! Ахир Россиядаги бориб турган тентак ҳам сизга катта кизиқиш билан қарайди-ку!

— О, буни мен ўз кўзим билан кўриб турибман, — жавоб берибди Толстой.

\* \* \*

Врач машхур француз ёзувчиси Фонтеннелни қаҳва ичмасликка, бу унинг учун заҳар эканлигига ишонтирмоқчи бўлди.

Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман, — врачнинг фикрини маъқуллайди ёзувчи. — Лекин у жудаям секин таъсир қилувчи заҳар, чунки уни саксон йилдан бери ичаман...

Фонтеннел юз ёшгача умр кўрди.

\* \* \*

Таникли рус педиатри Нил Фёдорович Филатов бир bemor боланинг ёнида доналари тикиб қўйилган шахмат тахтасини кўриб колди ва уни бир қур шахмат ўйнашга таклиф қилди. Бир неча дақиқадан сўнг врач мот бўлди.

Шундан сўнг Нил Фёдорович ҳар гал болани кўргани кирганда у билан шахмат ўйнар ва доимо унга ютқазарди.

Бу қобилиятли bemor бола кейинчалик машхур шахматчи, жаҳон чемпиони бўлиб етишган А. Алёхин эди.

\* \* \*

Яқин дўстларидан бири таникли композитор Антон Рубинштейндан сўрайди.

— Маэстро, сир бўлмаса айтинг-чи, нега ҳар куни соатлаб машқ қиласиз? Ахир усиз ҳам Сиз аъло даражада ўйнай оласиз-ку?

— Биласизми, — жавоб қиласи бастакор, — бир кун машқ қиласам буни ўзим, икки кун машқ қиласам — шогирдларим, уч кун машқ қиласам — томошабинлар сезади!

\* \* \*

Жузеппе Верди ўзининг "Рубадур" деган операсини тутатгач, таникли танқидчи бир дўстини операнинг муҳим жойлари билан танишитиради.

- Хўш, қалай? — деб сўрайди композитор.  
— Агар очигини айтсанм, ҳали пишмаган жойлари кўп.  
Верди азбаройи хурсанд бўлганидан дўстини қучоқлаб олади.  
— Сиздан беҳад миннатдорман, жуда баҳтиёрман! Агар асар сизга ёқмаган бўлса, у албатта томошибинларга ёқади.

\* \* \*

Олий табақага мансуб бир киши машхур мусаввир Вилиям Хогарт ҳузурида расмини чиздиради. Портрет айнан ўзига ўхшар, шунинг учун ҳам жуда хунук чиқканди. Натижада буюртмачи уни олишдан бош тортади. Жаҳли чиқкан Хогарт унга уч кун муҳлат бераркан, "борди-ю, шу вақт ичиди олиб кетмасангиз, фигурага боплаб битта дум ёпишираман-да, асарни "Одам — маймун" номи билан пуллаб юбораман" деб пўписа килади.

Шармисор бўлишдан қўрккан ҳалиги киши эртасигаёқ расмини олиб кетади ва сотиб юборишга мажбур бўлади.

\* \* \*

Француз математиги Ампер калласида мураккаб хисоб-китоб килиб бораркан, худди аудиториядагига ўхшаш қора тахтага дуч келиб қолади. У суюнганидан тахта ёнига чопиб бориб, доим чўнтағида

олиб юрадиган бўрни чиқаради-да, формуналарни ёзишга тушади. Аммо тахта жойидан жилиб кетади. Ҳисоб-китобга берилиб кетган олим беихтиёр унга эргашади. Тахта тезлашади. Ампер чопа бошлияди, факатгина ўткинчиларнинг кулгуси уни ўзига келтиради. Формулага тўлган тахта қора каратанинг орқа тўсиғи экан.

\* \* \*

Бир ёш немис ёзувчиси кўпчилик олдида мақтанди.  
— Мен Александр фон Гумболтдан атиги уч фунт енгил эканман.

Даврада машхур ҳажвчи Мориц Сафир ҳам бор эди.

У деди:

— Ўша уч фунт миянгизга тааллукли бўлса керак...

\* \* \*

Галилей ўзи кашф этган термометрни симоб ёки спирт билан эмас, вино билан тўлдирибди. Улардан бирини Англиядаги дўстига юбораркан, телеграммага асбоб ҳақидаги маълумотномани ҳам кўшиб қўйибди. Маълумотнома йўқолиб қолганми ёки дўсти уни тушунмаганми. Ҳар тугул Галилейга кутилмаган жавоб келди:

"Вино ажойиб экан. Илтимос, шундай асбобдан яна юбор".

\* \* \*

Париж университетида мухандислик санъати бўйича маъруза борарди. Бўлажак улуғ адаб Виктор Гюго унда талаба эди. Дарс ўтаётган профессор қайсиdir йили барокко услуби тугагани ва мумтозлик даври бошлангани ҳақида гапирганда ёш Гюго кўл кўтариб лутфан сўради:

— Кечирасиз, профессор, сиз аникроқ айтмолмайсизми, бу айнан қайси соатда содир бўлганди.

\* \* \*

XVII аср француз шоири, енгил-елпи қўшиқлар муаллифи Шолени ёмон ахлоқи билан бутун Париж танирди. Нихоят, у тартибли ҳаёт кечиришга қарор қиласди. Ва ўзидан анча катта ёшдаги бадавлат аёлга уйланади.

Улар никоҳдан ўтганлари ҳамон хотини Шолега:

— Энди илгариги беъманиликларингиздан воз кечарсиз деган умиддаман, — дейди.

— Шубҳасиз, — деб жавоб беради шоир. Бугунги ишим ҳаётимдаги энг сўнгти бемаънилиқдир.

\* \* \*

Диккенс балиқ овига муккасидан кетган ишқибоз бўлган. У сувга қармоқ ташлаб қўйиб, кирғоқда ўтириб хордиқ чиқаришни ёқтирган. Шундай кунларнинг бирида нотаниш киши унга яқин келиб, шундай саволни беради:

— Калай тортяптими?

— Ҳа, мен ҳозир келдим, — дейди ҳеч нарсадан бехабар ёзувчи. — Лекин кеча шу ердан ўн бешта мана бундай форель балигидан тутганман.

— Э-ха шунақами?! — жиддий тус олади нотаниш киши. — Биласизми мен кимман? Мен балиқчилик инспектори бўламан. Бу томонларда, биродар, балиқ овлаш қатъиян ман қилинган.

Инспектор расмийлаштириш учун чўнтағидан жарима қоғозини чикаради.

— Ҳовлиқманг! — дейди Диккенс пинагини бузмай, — сиз танимадингизми ўзи мен кимман? Мен Чарльз Диккенс бўламан, машхур ёзувчи, романистман. Оғзимдан бехосдан чиқиб кетган ёзувчилик фантазиям учун жарима солинмаса кераг-ов!

\* \* \*

Жек Лондон ўз сўзининг устидан чиқиб, роман ва хикоялари, қўлёзмаларини нашириётга белгиланган муддатда топширади. Аммо бир гал ваъдасини бажара олмади. Шунда ношир унга қуйидаги мазмунда хат ёзди: "Қадрли сэр! Агар икки кундан кейин хикоянгиз қўлёзмасини ололмасам, шартномани ўз қўлларим билан йиртиб таштайман. Мен сиздан бутунлай фарқ қилиб, ҳар доим сўзимнинг устидан чиқаман..."

Жек Лондон шундай жавоб ёзди: "Қадрли сэр! Мен ҳамма ишни фақат қўлларим билан бажарсан эди... Аммо мен сиздан фарқ қилиб, каллани ҳам ишлатишинг тўғри келади..."

\* \* \*

Машхур итальян композитори Пуччини хаётда хушчакчақ одам бўлган. Кунлардан бир куни композитор оёғи синиб, касалхонага тушади. Уни кўргани келган дўстларига композитор шундай дейди:

— Хурсандман, ҳали ўлмасимдан олдин менга ҳайкал қўйишаپти.

Тушунмадик — қанақасига!

— Мана, оёғимни гипслашдан бошлишди.

Машхур физик олим Резерфорд бир куни тунда тажрибаонасига келса, шогирдларидан бири ишлаб ўтирган экан.

- Ҳа, нима қилиб ўтирибсиз? — деб сўрабди олим.
- Ишляпман, жаноб.
- Ишлайман.
- Ҳай, менга қаранг, Сиз қачон ўйлайсиз ўзи?

\* \* \*

Буюк мутафаккир Монтен шундай деган экан:

— Бу дунёда энг тўғри тақсимланган нарса — ақл. Чунки шу пайтгача ҳали ҳеч ким ақли камлигидан шикоят қилмаган.

\* \* \*

Кунлардан бир куни Франция қироли Людовик XIV бир туркум шеърлар ёзиги, фикрини айтиш учун таникли адабиётшунос Буалога бериди.

Танқидчи қиролнинг асарларини диққат билан ўқиб чиққач, бир зум ўйланиб турибди-да, шундай жавоб қилибди:

— Мен сизнинг ажойиб истеъдодингизга яна бир карра қойил қолдим. Олампаноҳ, Сиз ёмон шеърлар ёзиги кўришни истаган экансиз, буни қойилмаком қилиб уддалабсиз!

\* \* \*

Екатерина II ўз хизматкоридан сўради:

- Нега ўйланиб ўтирибсан?
- О менинг маликам яхши солдатларни сиз шу ўлимга хукм қиласверсангиз, келажак аёллари сизни ҳеч қачон кечирмайдилар.

\* \* \*

Бир куни француз ёзувчиси Франсуа Рабле шошилинч равишда Парижга борадиган бўлиб қолибди. Аммо йўлкирага ёзувчининг пули йўқ эди. Шунда Рабле меҳмонхонанинг кўзга яққол ташланадиган жойига, шакар солинган халта қоғоз устига "қирол

учун захар" деб ёзиб қўйибди. Бир соатдан сўнг ёзувчи хибсга олиниб, шошилинч извошда пойтахтга жўнатилиби.

Парижга етиб келингач, энг аввал ёзувчини қозо халтадаги "захар"ни ейишга мажбур килишибди. Рабле тап тортмай "захар"ни ебди. Унга ҳеч нима бўлмагач, олий судья ёзувчини озод қилиби.

\* \* \*

Машхур рассом Макс Либерманн бир савдогарнинг портретини чизмоқчи бўлди. Савдогар бўлса рассомга халақит бериб, хадеб санъат ҳақида бўлар-бўлмас сўзларни гапира бошлади.

Либерманн унинг сўзларини бир оз тинглаб турди-да, охири тоқати-тоқ бўлиб:

— Бир оз тўхтасангизчи, ахир! Бўлмаса ҳозир ҳақиқий баҳарангизни чизиб қўяман! — деди.

\* \* \*

Шведлар билан бўлган урушда Нейшлот қалъасининг коменданти Кузмин бир қўлидан ажраган экан. Шведлар ундан қалъани топширишни талаб қилишганда, бир қўлли комендант уларга қараб туриб, қалъа девори устидан бундай жавоб берибди.

— Дарвозани сизларга бажонидил очиб берардиму, лекин бунинг уддасидан чиқолмайман. Чунки биттагина қўлим қолган. Лекин шу қўлим ҳам банд, унда қилич бор!

\* \* \*

Поляк шоири Юлиан Тувимдан бир киши: "Худбин одам қандай бўлади?", — деб сўраб қолибди. Бунга Тувим шундай жавоб қилиби: "Худбин деб, менга сира ғамхўрлик қилмайдиган одамни айтадилар".

\* \* \*

Машхур венгр композитори Франц Листдан бир композиция тўғрисида фикрини сўрашди.

— Бу асарда кўпгина янги ва жуда яхши жойлар бор экан, — деди у, — аммо биласизми..

- Хўш-хўш, давом этаверинг.  
— Биласизми, ўша янги жойлари яхши эмас, яхши жойлари янги эмас.

\* \* \*

Сомерсет Моем 88 ёшида оғир касалликка чалиниб, узок вақт ётиб қолади. Дўхтирлар унинг ёнига киришни ҳам тақиқлаб қўйдилар: Шунда унинг ихлосманди бўлган бир аёл телефон килиб сўради:

— Жаноб Моем, хеч бўлмаса сизга апельсин ва гул жўнатишими руҳсат беришар.

— Апельсинни қанча хоҳласангиз жўннатаверинг, — деди кулимсираб ёзувчи, — аммо гул жўнатишга ҳали эртароқми дейман.

\* \* \*

Машҳур зоолог Брем талабаларга маъруза ўкирди. Бир куни маъруза тугаши билан улардан бири ундан сўради:

— Жаноб профессор, айтинг-чи, дунёда шердан кўркмайдиган хайвон борми?

— Албатта бор, — жавоб қилди Брем. — У хайвон — она шердир.

\* \* \*

Энрико Ферми Италия академиясининг аъзоси эди. Академия мажлислари доим кирол саройида ўтар ва дабдабали бўларди. Бир куни Ферми мажлисга кечикиб қолди-ю, кичкина "Фиат"ини миниб, бир ўзи саройга келди. У кўринишидан, "машҳур профессор Ферми"га ўҳшамас, шошиб отланганидан, кийимлари ҳам жўнгина эди. Бу ахволда сокчи саройга қўймаслигини ўйлаб, у кувлик қилди.

— Мен профессор Ферми жаноби олийларининг ҳайдовчиси бўламан, киришга руҳсат этинг! — деди ғоз туриб. Сокчи тавозе билан ижозат берди.

\* \* \*

Шаляпин ўз касбдошлари тўғрисида, гарчи улар истеъдодсиз бўлсалар ҳам, ёмон сўз айтмас эди. Бир куни ундан бир ашулачи хақида ўз фикрини сўрашди.

- У киши катта истеъдод эгаси, — деди Шаляпин.
- Масалан, ўзи ашула айтади, ўзи тинглайди.

\* \* \*

Ёзувчи Мориц Сапир бир адабиётчи билан баҳслашиб қолди.

— Сиз факат пул учун ёзасиз, жаноб Сапир, — деб заҳарханда килди у. — Мен эса шуҳрат учун...

— Қаранг-а, — деди Сапир, — қандай ажойиб ўхшашлик. Икковимиз ҳам ўзимизда йўқ нарса учун ёзарканмиз.

\* \* \*

Веналик машҳур врач Нотнагел хузурига бир савдогар ўзини мунтазам безовта қилаётган қасаллиги туфайли маслаҳат олгани келади.

Айтишларича, доктор биринчи маслаҳати учун 25 марка, иккинчи ва кейингилари учун 10 маркадан олар экан. Савдогар бўлса, озрок ҳақ тўлаб ўз мақсадига эришмоқчи бўлиб, врач хузурига келади ва қабулхона эшигини очиб, эски қадрдонлардай:

— Жаноб доктор, мана яна хузурингиздаман! — дейди.

Врач Нотнагел бўлса беморга ҳайратланиб қарайди ва уни эслай олмайди. У савдогарни диққат билан текширгач, дейди:

— Вужудингизда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, охирги ёзиб берган дори-дармонларни ичишда давом этинг!

\* \* \*

Хаддан зиёд тортиங்கா பெரும் நடிகர் அக்ரிசு பிரிஜிட் பார்த்தனிங் எனின் துரிப் கூலாடி. பிரிசு பூலிப் அக்ரிசு லுக்மா தாஷ்லைடி:

- மெனின் இஸ்மீம் பிரிஜிட் பார்த்து. சிஸ்சி?
- மென்... மெனிகி உநாக எமாச்!

\* \* \*

Чўнтағида чақаси ҳам бўлмаган Уйғониш даврининг улуг' рассоми Рафаэл Санти бир куни ошхонага кирибди. Тушлик ҳақини тўлашни

кўп ўйлаб ўшрмай, бочкачанинг қопқоғини олибди-да, унга кўчада бола қўтариб ўтирган аёл расмини чизибди ва асарни тушликнинг хақи учун бериб юборибди.

Хозирги кунда тасвирий санъатнинг бу ноёб асари — "Мадонна делла Седия" Италия музейларидан бирини безаб турибди.

\* \* \*

Машхур ҳайкалтарошдан сўрадилар:

— Айтинг-чи, мармартошдан одамнинг ҳайкалини ясаш осонми, қийинми?

— Бунинг қийин жойи йўқ, — деди у, — аввал мармартошни ишхонага олиб кирасиз, сўнгра унинг одам гавдасига ўхшамаган жойларини йўниб ташлайсиз, вассалом.

\* \* \*

Австрия рассоми Оскар Кокошка жуда хозиржавоб одам бўлган экан. Франциядаги Версал саройини томоша қилиб юрган рангтасвир устаси озгина нафасини ростлаш учун картиналар галереясидаги креслога ўтирибди.

— Mcё, сиз кирол Людовик XIVнинг креслосида ўтирибсиз, бу мумкин эмас, — дейди уни кузатиб турган хизматчи аёл.

— Хижолат бўлманг, кирол кириши билан дарров ўрнини бўшатаман, — дейди рассом.

\* \* \*

Буюк француз ёзувчиси Молер 1673 йил, 17 февралда ўзининг "Сохта бемор" комедиясида Ипохондрик ролини сўнгги марта ижро этди ва орадан кўп ўтмай вафот этди.

Молерни дахрий деб юрган Париж архиепископи уни Париж мозорларига дафн этишни қатъян ман қилди. Француз кироли Людовик XIV орага тушди. У архиепископни чакиртириб келиб:

— Ҳазрати олийлари, айтинг-чи, Париж мозорларида ер неча газ чукурликкача муқаддас хисобланади? — деб сўрабди.

— Камида саккиз газгача! — деб жавоб берди архиепископ.

— Жуда соз, — деди қирол, — мен Молернинг гўрини ўн икки газ чукур килиб ковлаттираман. Шунда сизнинг муқаддас ерингизга зиён етмайди.

Шундай килиб, Молер Париждаги "Первашээ" мозорида ўн икки газ чукурликда қазилган гўрга тантана билан дафн этилди.

\* \* \*

Доктор Лайвеснинг академик бўлиб кетишига бир баҳя қолади. Гап шундаки, у Лондон Фанлар академиясига қўйидаги мазмунда хат жўнатади:

"Тиббиётда юз берган ғалати воеа ҳакида шошилинч хабар бермоқчиман.

Мен Каледан Лондонга қайтаётган кема денгизчиси устундан йикилиб, оёгини синдириди. Шунда мен дарров оёқ қисмларини бирлаштириб, кема арқони билан боғладим ва денгиз суви қўйдим. Денгизчи хеч нима бўлмагандай юриб кетди".

Академияда ҳамма Лайвесни академикликка қабул қилишга овоз беради. Аммо тўsatдан яна бир хат келиб қолади:

"Шошилинчда денгизчининг оёги ёғочдан эканлигини айтиш ёдимдан чиқибди".

\* \* \*

Фарадей ёшлигига инглиз химиғи Деви қўлида лаборант бўлиб ишлаган эди. Деви у ҳақда кейинчалик шундай деб қўядиган бўлибди:

— Албатта, мен кўпгина кашфиётлар қилганман, аммо кашфиётларимдан энг юксаги, бу — Faрадейdir.

\* \* \*

Кунларнинг бирида машхур поляк пианиночиси Игнаци Падеревскийга таклифнома келтириб беришди. Таклифнома шундай сўзлар билан бошланарди:

"Рафиқам сизга атаб ёзган куйини ижро этади. Кизим эса романслар айтиб беради. Ўғлим скрипка чалади. Шундай кейин кечки 22.00 да зиёфат бошланади".

Падеревский таклифнома эгасига шундай деб жавоб юборди:

“Катта раҳмат. Таклифингизни қабул қиласан. Уйингизга роппа-роса 22.00 да етиб бораман”.

\* \* \*

Саёҳат қилиб юрган А.Толстой бир шаҳарга келиб меҳмонхонага кирди-да, навбатчига йўлиқди.

— Мен ёзувчи Толстойман. Сизга мен учун жой тайинлаб кўйган бўлишлари керак.

— Бўлмасам-чи, албатта! — дея жавоб берди навбатчи. — Сизга алоҳида хона олиб кўйибмиз. Энди мана бу "Анна Каренина"га дастхат ёзиб берсангиз. Сизнинг бу китобингизни атайлаб, дастхат ёздириб олиш учун сотиб олдим.

Толстой жавоб берди: — "Ўлик жонлар"ни хам мен ёзганман.

— Кечирасиз, "Ўлик жонлар" хозир менда йўқ.

— Унда мен меҳмонхонангизда турмайман, — деди Алексей Николаевич ва чиқиб кетди.

\* \* \*

Михаил Зошченконинг отаси рассом бўлган, аммо рассом сифатида шухрат қозонолмаган эди.

Машхур ёзувчи бўлиб танилгач, М. Зошченко бир комиссion дўконда отаси ишлаган расмни кўриб қолади. Расмнинг баҳосини сўраганида, сотувчи "уч юз доллар", дея жавоб беради.

— Нега мунча қиммат? — деб сўрайди Зошченко.

— Ахир муаллифнинг исмини қаранг! — деб жавоб беради сотувчи. — У бу эмас, Зошченко-я!

\* \* \*

Санъат ҳомийси бўлган петербурглик бир зодагон таниқли созанда Генрих Венявскийни чойга таклиф қила туриб, унга:

— Дарвоке, скрипкангизни олиб келишни унутманг, — деб тайинлади.

— Скрипкам номидан сизга миннатдорчилик билдираман, — деди созанда, — аммо шуни ҳам айтиб кўяй, скрипкам чой ичмайди.

\* \* \*

"Ричард III" драмаси қўйилаётган пайтда бош ролни ижро этувчи таниқли актёр Сулливан:

От қани? Отни келтииринг! От келтирган одамга ярим подшолигимни бераман, — деб қичқирибди. Пастда ўтирган томошибинлардан бири одамларни кулдириш ниятида актёрга мурожаат этиб:

— Жаноб Сулливан! От ўрнига эшак ҳам бўлаверадими! — дебди.

— Албатта бўлаверади! — дебди Сулливан. — От ўрнига эшак миниш айб эмас... Қани, тезроқ кела қолинг.

\* \* \*

Оксфорд университетининг ўқитувчиси Кэролл "Алиса ажойиботлар ўлкасида" сарлавҳали эртак ёзибди-да, матбуотда эълон қилдирибди. Эртак Англия қироличасига жуда маъқул тушибди.

Қароличанинг буйруғи билан Кэроллнинг бошқа асарларини ҳам топтириб келишибди. Қизиги шундаки, Кэроллнинг ўша эртақдан бошқа барча ёзганлари олий математикага оид асарлар экан...

\* \* \*

Инглиз ёзувчиси Энтони Троллоп бутун ҳаёти давомида қирқ еттита роман ёзган экан. Ундан:

— Энг яхши асарингиз қайси? — деб сўрашганларида Тролопп:  
— Почта қутиси, — деб жавоб берибди.

Чунки бу ёзувчи Англия почтасининг бош директор ўринбосари вақтида почта қутисини ўйлаб топган экан.

\* \* \*

Физик олим Кирхгоф бир куни спектрлар анализи пайтида килган кашфиёти ҳақида гапириб:

— Куёш спектри, — дебди у, — куёшда олтин борлигидан далолатдир.

— Бу кашфиётдан нима фойда, ахир күёшдан олтин олиб бўлмайди-ку, — эътиroz билдирибди тингловчилардан бири.

Тез орада Кирхгофга кашфиётлари учун олтин нишон топширишибди.

— Мана, — дебди олим хазиллашиб, — мен күёшдан олтин олдим.

\* \* \*

Уран сайёрасини топган машхур инглиз астрономи Гершель яхшигина оптик ҳамда зўр математик эди. У 1802 йили Францияга ташриф буюрганида Наполеоннинг қабули бўлди.

— Эртага нима иш билан шугулланмоқчисиз? — сўради император.

— Орган концерти бераман, — деди астроном. Чунки Гермель жуда ажойиб музикачи ҳам эди-да.

\* \* \*

Танқидчилардан бири машхур ёзувчи Майн Риддан сўради:

— Сизнинг янги романингиз жуда қизиқиш билан ўқиляпти, лекин унда жиддий бир камчилик бор. Сиз бошсиз чавандозни қаерда учратгансиз?

— Ёзувчи шундай жавоб берди.

— Ҳакиқатан ҳам бошсиз чавандозни учратмаганман, — деди киноя билан Майн Рид. — Аммо бошсиз сухбатдошларни эса, эҳ-хе...

\* \* \*

Газеталардан бири: "машхур инглиз ёзувчиси Р. Киплинг вафот этди" деган хабарни босиб чиқарди. Бу хабарни ўқигач, ёзувчи газета ноширига қўйидаги мазмунда хат юборди: "Илтимосқиламан, бундан кейин марҳумнинг номига газета юборманг, обуна ҳакининг қолган қисмини эса ўзимга қайтариб юборинг. Имзо: Марҳум Киплинг".

\* \* \*

Машхур композитор Росини ўз юртида унга ҳайкал қўйиш учун олтин баҳосида 12 минг танга тўплашганини эшитиб қолибди.

— Шунча пул сарфлаб юришга нима ҳожат бор эди, — деб ажабланибди у. Шу маблагнинг ярмисини ўзимга беришса, ҳар куни болахонага чиқиб, халойикқа ўзимни кўрсатиб турардим.

\* \* \*

Рус томошабинларининг таклифига биноан Россияга келган италиялик машхур хонанда аёл Габриэлла император олиялари Екатерина II билан учрашибди. Габриэлла Россияда икки ой концерт бериш шарти билан Екатерина II дан беш минг дукат микдорида хизмат ҳақи сўрабди. Екатерина II унга:

— Мен фелдмаршалларимга ҳам шунча пул тўламайман, — деб жавоб берибди. Габриэлла ўша захоти Екатерина II га:

— Жуда соз, жаноби олиялари, бўлмаса, ўша фелдмаршалларингиз ижросидаги концертни томоша қиласкеринг, — дебди.

Шундан кейин Екатерина II беш минг дукат тўлашга мажбур бўлибди.

\* \* \*

Немис химиги Эгон Виберг ўз маъruzalariдан бирини шундай сўзлар билан бошлади:

— Ўртоқлар, мен бу дарсимни хлор гази билан бўладиган тажрибаларни намойиш қилишдан бошламоқчиман. Хлор — бу жуда заҳарли газ. Агар тажриба вақтида мен ҳушимдан кетиб қолсан, марҳамат қилиб, ташқарига — тоза ҳавога олиб чиқинглар ва шу билан бугунги маъruzani тугади, деб хисоблайверинглар.

\* \* \*

Бир аёл таникли ёзувчидан: — Сиз Франсуаза Саганнинг сўнгти романини ўқидингизми? — деб сўрабди.

Йўқ, — дебди ёзувчи.

Бегам ёзувчи экансиз, — дебди аёл.

— Ахир романнинг китоб бўлиб босилганига уч ойдан ошиб кетди-ку... — Сиз Дантенинг "Илоҳий комедия"сини ўқиганмисиз? — сўрабди ёзувчи. — Йўқ, — дебди аёл.

— Унда сиз мендан ҳам бегам экансиз. Ахир "Илохий комедия" бундан 600 йил илгари ёзилган.

\* \* \*

Таникли немис рассом Макс Слефогт машхур бўлмасдан олдин қийин ҳаёт кечиради. Бир куни бир харидор у чизган расм олдидা узок вақт тикилиб қолди.

— Бу расм шунчалик ажойиб эканки, унга караб ҳеч тўймаяпман! — деди у.

— Мен ҳам, — жавоб берди Слефогт, — шунинг учун ҳам уни сотмоқчи бўлиб турибман-да.

\* \* \*

Бир ўгри қадимги Юнонистонда ном чиқарган нотик Демосфеннинг уйини тунаб кетибди. Кейинроқ у Демосфенга келиб, ундан кечирим сўрабди:

— Сизнинг уйингиз эканлигини ҳеч ҳам билганим йўқ, — дебди ўгри.

— Бўлмаса, бундай номаъқулчиликни қилмаган бўлардим. Демофон ўгрига дебди:

— Менинг уйим эканлигини билмабсан, майли. Аммо ўзингнинг уйинг эмаслигини билмадингми?

\* \* \*

Франциялик машхур актриса Сара Бернар сахнада камбағал аёл ролини ўйнарди. У монологини қўйидаги сўзлар билан тутгаллайди: "Юргани дармоним, ўтиргани мадорим қолмади... очдан ўладиган бўлдим..."

— Ундей бўлса, билагузугингни сота қолмайсанми? — деб кичкиради томошабинлардан бири актрисанинг тилла билагузугига кўзи тушиб. Бернар сахнага чиқишдан олдин билагузугини ечиб қолдиришни унугтан экан. Актриса томошабиннинг лукмасига дарҳол жавоб қайтаради: "Билагузумни жон деб сотардим-у, аммо у қалбаки-да".

Ёзувчи Паул Хайде одам лиқ тўла трамвайдага кетаётган эди. Бир йигит унинг оёғини босиб тураверди. Машхур хикоянавис оёғини тортиш ўрнига, секингина йигитнинг елкасига туртиб сўради:

— Дўстим, айтинг-чи, ёшингиз нечада?

— Йигирмада, нима эди?

— Йўқ, ўзи шунчаки, аммо бу ёшда хар ким ўз оёғида тургани маъқул.

\* \* \*

Ёш, аммо ўзига бино қўйган бир шоир шеърларини Лилиенкронга жўнатор экан, юзаки камтарлик билан шундай деб ёзди:

— Талантимга билдирадиган фикрингиз кутганимга карши бўлса ҳам хафа бўлмайман, яъни:

*Мени улуғ шоир танқид қилган он,  
Ҳис этгум ўзимни шоари жаҳон.*

Лилиенкроннинг фикри қисқа ва лўнда бўлди:

— Азизим, хатингизга қўра сиз ҳамма нарсани тескари тушунар экансиз. Бундан чиқди сиз энг улуғ алломаларнинг алломаси экансиз.

\* \* \*

Шарл Гуно ҳаётида 12 та опера, 140 романс ва бошқа қўпгина куйлар басталаган машхур композитордир. У манманлик ва шухратпарастликни ёмон қўярди. Гуно шогирдларига бу ҳақда гапириб, шундай дейди: "Ёшлигимда, ҳали композитор сифатида танилмаган вактимда мен ҳам манманликка берилиб, мағурланиб кетганман. Ўша пайтда мен икки композиторни тан олардим: бири — ўзим, иккинчиси — Моцарт эди.

Музика шинавандаларига танилиб, анча шухрат топганимдан кейин Моцарт билан ўрнимни алмаштиредим, яъни Моцартни биринчи, ўзимни иккинчи ўринга қўядиган бўлдим. Композитор сифатида шухрат топиб, номим бутун дунёга машхур бўлгандан кейин эса факат Моцартнигина композитор деб биладиган бўлдим".

\* \* \*

Машхур рус кимёгари Менделев бўш пайтларида чемодан ясаш билан машғул бўлар экан. Бир куни дўкондан чемодан ясаш учун керак бўладиган асбоб-ускуналарни олиб турган экан, нотаниш бир киши сотувчидан:

— Бу одам ким — деб сўрабди.

— Наҳот танимасангиз!

— Ажабланиб дебди сотувчи. — Чемодан ясайдиган машхур уста Менделев шу киши бўладилар. Менделев ўзича сотувчининг берган баҳосидан фоят хурсанд бўлиди.

\* \* \*

Кунлардан бир куни Александр Пушкин журнал таҳририятига мактуб йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўрабди. Таҳририят шоирга ёзган жавоб хатида шундай саволлар бор экан:

"Пулни душанба куни олганингиз қулайроқми ёки сешанбами? Икки юз сўмнинг ҳаммасини бирйўла оласизми ёки олдин юз сўми ҳам кифоями?".

Шоир қисқа жавоб қилиди:

"Душанба сешанбадан яхши, икки юз сўм эса юз сўмдан яхши".

\* \* \*

Кунлардан бирида Барон Ротшильд Сафирдан оиласвий альбомига теша тегмаган гапларни ёзиб беришни илтимос қилиди. Сафир қаламини олиб, шундай сўзларни битиби: "Менга юз луидор қарз беринг-да, уни мутлақо унунтинг!".

\* \* \*

Машхур артист Жан Габеннинг тишини тиш дўхтири суғуриб олиди. Орадан бир неча кун ўтгач, артист дўхтирдан шундай мактуб олиди. "Олинган тишингизни бир мухлисингизга сотдим, у тумор қилиб такиб юрибди. Хизмат ҳақини ўша пулдан ушлаб колдим, қайтимини юбораяпман".

\* \* \*

Бир куни машхур рус кимёгари Николай Бекетов ўз хонасида ишлаб ўтирганида хизматкори ҳовлиқиб кирибди.

— Николай Николаевич! — дебди у. — Кутубхонангизда ўғрилар юришибди? Олим ишидан зўрга бошини кўтариб, бамайлихотир сўрабди.

— Хўш, улар қанақа китобларни ўқишияпти?

\* \* \*

Француз эртакчиси ва масалчиси Жан де Лафонтен ўз асарларини фақат жала қўйиб турган пайтлардагина ёзар экан....

\* \* \*

Француз композитори Адолф Шарли ўз балетларини фақат тўшкада ётган холда, устига кўрпа ёпиниб олиб, оёклари устига ҳамда кўксига биттадан мушук қўйиб ёзар экан. "Жизел" ва "Корсар" ("Денгиз қароқчиси") балетлари ҳам ана шундай вазиятда ёзилган экан.

\* \* \*

Бир ёш йигит ўзини етук актёр деб хисоблайди ва машхур трагик актёр Рибаковга Отелло ролини ўйнаб кўрсатади. Қойил қилдим, дея ўзича мағурланади:

— Сўнгги кўринища Дездемонани боплаб ўлдирдимми-а?

— Ҳа, бопладинг, — деб жавоб беради Рибаков. — Лекин Отеллони биринчи кўринищаёк ўлдирган эдинг.

\* \* \*

Ёш шоир ўз шеърларини Теодор Фонтанега жўнатар экан, шундай деб ёзди:

— Жаноб Фонтане, мен ўз шеъримда нукта ва вергулларни атайлаб ишлатмадим, чунки улар бутунлай ортиқча. Агар сиз уларни қўйишимни лозим топсангиз, марҳамат, хоҳлаган жойга қўйишингиз мумкин.

— Ёш дўстим, илтимос, келгуси сафар таҳририятга фақат нукта ва вергулларни жўнатсангиз! Шеърларни эса, ўзимиз бир амаллармиз.

Машхур физик Нильс Бор ҳали Геттингенда ўқиб юрган пайтида бир маърузага яхши тайёрланмай борди. Унинг маърузаси бўш таъсирсиз

бўлди. Аммо Бор ўзини йўқотиб қўймай, сўзининг охирида деди:

— Бу ерда мен шунчалар арзимас маъруза тингладимки, меникини илтимос, улардан олинган ўч деб билинглар.

\* \* \*

Петербурглик бир ношир Пушкинни мот қилиш учун ундан сўради:

— Айтинг-чи, Александр Сергеевич, сиз нима учун асар ёзасиз?

Ношир Пушкиннинг, пул учун асар ёзаман, дейишини кутган экан.

Шоир эса унга бутунлай бошқача жавоб берибди: — Ўзим ва халқим учун ёзаман... Хўш, нима учун сиз менинг асарларимни нашр этасиз?

Ношир беихтиёр:

— Пул учун нашр этаман, — деб юборибди. Шоир унга яна савол берибди:

— Айтинг-чи, асар ёзиш қийинми, нашр этиш?

Ношир шоирнинг бу саволига жавоб беролмай мот бўлибди.

\* \* \*

Бир олим сув ости кабелининг муҳимлиги тўғрисида маъруза қилди. Сўзини тугатгач, сўради:

— Қани, кимда қандай саволлар бор?

— Ҳаммаси яхши, деди бир аёл ўрнидан туриб, — факат бир нарсага тушунолмай турибман. Европадан Америкага телеграммалар қандай қилиб куруқ холда етказилади?

\* \* \*

Муаллиф танқидчидан сўради:

— Балки драмамнинг бирор жойини ўзgartириш керакдир?

— Сиз бош қахрамонни отиб эмас, осиб ўлдиришингиз керак.

— Нега?

— Негаки томошабинлар милтиқнинг қарсиллашидан уйгониб кетишади.

\* \* \*

Театрда битта ҳам томошабин йўқ эди.

— Демак, пеъсангиз томошабинларга ёқмабди, — деди директор асар муаллифига.

— Қизиқмисиз, битта ҳам томошабин келмаганидан кейин пъесанинг ёққан-ёқмаганини кимдан билдингиз.

\* \* \*

1926 йили Парижда кинематография ходимларининг Жаҳон конгресси бўлади. Конгресс қатнашчилари ака-ука Люмьерлар ихтиро қилган кино санъатининг аҳамияти, уни ривожлантириш йўллари ҳакида маслаҳатлашадилар. Катта залнинг бир бурчагида мунғайиб ўтирган бир қария конгресс ташкилотчилари диккатини ўзига тортади. Танаффус пайтида оддийгина кийинган бу қариядан:

— Сизга ким керак? — сўрайдилар. — Бу ерга сизни ким таклиф килди?

Қария уялинқираб ўрнидан турди-да:

— Биласизларми, менинг фамилиям Люмьер, — дебди. Маълум бўлишича, конгресс ташкилотчилари улуғ ихтиорчини анжуманга таклиф қилишни ёддан чиқаришган экан.

\* \* \*

Немис драматурги Макс Халбе ва Франк Ведекинд кўп йиллардан бери дўст эдилар, бироқ бир-бирларининг устларидан кулишни канда қилишмасди. Бир куни Макс Халбе драмасининг премьerasи бўлиб ўтди.

— Қалай, драма ёқдими? — сўради Халбе эртасига.

— Кечаси ухломай чиқдим, — деди Ведекинд жилмайиб.

— Шунака дeng, менимча драмамда кишини бунчалар хаяжонга соладиган жойлари йўқ эди, шекилли.

— Гапингиз рост, дўстим, — деди Ведекинд, — кечаси ухламатнимнинг сабаби, мен премьера пайтида тўйиб ухлаб олгандим.

\* \* \*

Икки ёш композитор бир-бирига "Мен басталаган куйни ўғирлагансан", деган даъво билан Вена судларидан бирига

мурожаат этишади. Судья мусикадан бехабар бўлгани учун эксперт сифатида композитор Ференц Варни таклиф этади.

Композитор хар иккала бастакорнинг ноталари билан танишиб чиққач, судья ундан сўрайди:

- "Хўш, жаноб эксперт, айтингчи, ким-кимдан ўғирлабди?
- Иккови хам Жак Орфен Бахни талашибди! — деб жавоб беради у".

\* \* \*

Буюк рус ёзувчиси Антон Чехов врач сифатида Максим Горькийнинг соғлигини текшириб кўради. Шундан сўнг Горький унга:

— Доктор, энди менинг сиздан яширадиган ҳеч қандай сирим қолмади, бутун ички дунёмни билиб олдингиз, — дейди.

— Умуман олганда шундай... — деб жавоб беради Антон Павлович. — Босмахона ишчилари хам ўзлари муқоваланган китобнинг ички дунёсини шу даража биладилар.

\* \* \*

Гашек ўзининг "Азамат солдат Швек" романида Прагадаги бир пивохонани боплаб тасвирлаган. Ёзувчи иттифоко ўша ерга кириб колса, мижозлар Гашекнинг романни хақида баҳслashiб ўтиришган экан. У одамларни синамоқчи бўлиб: "Бу роман ўтакетган бемаънилиқдан бошқа нарса эмас", деб юборибди. Ана шунда пивохўрлар мунозарани йигиштириб, ёзувчини дўпослаб кетишибди. Уларнинг кўлидан зўрга қутулиб чиқкан Гашек: "Баданимнинг ҳар бир кўкарган жойи яхшигина бир такризга teng бўлди", деган экан.

\* \* \*

Бир ёш хоним машхур француз қизиқчиси Фернанделдан дастхат ёзиб беришни сўраб, унга бир парча қоғоз узатибди. Фернандел бу илтимосни бажонидил бажо келтиргач, ўша хонимга:

"Наҳотки дастхат тўплайдиган альбомингиз бўлмаса?" дебди. "Нега бўлмас экан, — деб жавоб қилибди дастхат ишқибози бўлган хоним, — албатта, бор. Аммо мен уни уйда сақлайман.

Кейин нимаики тўпласам, ҳаммасини уйга борганимда альбомимга кўчириб қўяман".

\* \* \*

Машхур жарроҳ Николай Пирогов Париж шаҳрини айланиб юриб, Тиббиёт академиясига кирибди. Николай Пирогов у ердагиларга ўзини танитмабди ва залга кириб, профессор Нелатовнинг маъruzасини тинглабди. Профессор томонидан рус жарроҳи Пирогов томонидан биринчи марта амалга оширилган мураккаб операция ҳақида маъзуза ўқибди. У маърузани якунлаб:

Агар истовчилар бўлса, ушбу операцияни мурда устида тажриба қилиб қўрсин, — дебди. Пирогов кўл кўтариб, ўрнидан турибдида, ўз операциясини такрорлабди. Профессор Нелатов хурсанд бўлиб кетибди ва Пироговга юзланибди-да, дебди:

— Машхур Пироговга, Парижда ҳам сизнинг издошларингиз бор, деган мазмунда телеграмма юборамиз. Сизнинг фамилиянгиз нима, ҳамкасаба?

Машхур жарроҳ ерга караб жавоб берибди:

— Пирогов менман...

\* \* \*

Шерлок Холмс ва Ватсон овга боришибди. Кечаси машхур изқувар уйғониб, шеригига дебди:

— Ватсон, осмондаги юлдузлар сизга хеч нарсани эслатмаяптими?

— Менимча, эртага ҳаво очиқ бўлади.

— Назаримда, чодиримизни ўмариб кетишган кўринади.

\* \* \*

Д'Акоста Португалиядан Россияга жўнаб кетаётганида кузатувчилардан бири унга қалтис савол берди:

— Отанг, бобонг ҳамда бобокалонинг денгизда чўкиб ўлганлигини била туриб, кемага ўтиришдан кўрқмайсанми?

— Кечирасан, ўзингнинг аждодларинг қай йўсинда оламдан ўтишган? — сўради Д'Акоста ўз навбатида.

— Иссик тўшакларида, тинчгина, — мағрур жавоб қайтарди сұхбатдоши.

— Ундей бўлса, айтчи, азизим, — деди машхур кизиқчи сұхбатдошига, — ўзинг ҳар кеча тўшакка кириб ётишга қандай журъат киласан?

\* \* \*

Медичи буқри бўлган экан. Лекин Микеланджело уни қадди қомати келишган барно йигит киёфасида тасвирилабди. Тасвирини кўрганлар хайрон бўлиб, "нега бундай килдингиз" деб сўрашса, Микеланджело жавоб бериди:

500 йилдан кейин унинг буқрилигини ким ҳам биларди.

\* \* \*

Поляк шоири Юлиан Тувимдан бир киши: "Худбин одам қандай бўлади?" деб сўраб крлиди. Бунга Тувим шундай жавоб килкди: "Худбин деб, менга сира ғамхўрлик ки.\майдиган одамни айтадилар".

\* \* \*

Париж яқинидаги мухташам бир қасрда олий даражадаги меҳмонлар учун зиёфат уюштирилаётганди. Эшик оғаси ташриф буюрувчиларнинг хужжатларини синчиклаб текширади. Таникли рассом Пабло Пикассо зиёфатга паспортсиз келиб, ўзининг ким эканлигини амалда исботлаш учун ўша машхур тинчлик кабутарини чизиб кўрсатади. Рассом билан изма-из келаётган аёл ўзини танитади: "Мен СССР маданият вазириман".

Эшик оға аёлга буни нима билан исботлаши мумкинлигини сўраркан, Пабло Пикассонинг расм чизиб ўз шахсини исботлагани ҳакида эслатади. Шунда ҳалиги аёл ҳайратланиб сўрайди: "Пабло Пикассо ким ўзи?"

Шунда хизматкор бошқа бир оғиз ҳам гап сўрамай, меҳмонларга эълон қиласди: "СССР маданият вазири ташриф буюрдилар!"

\* \* \*

Кунларнинг бирида орол губернатори Санчо Пансо бир волинка чалувчининг машқини эшишиб қолади. У жуда ёмон чалар, ҳамма

уни койир эди. Фақатгина Санчо уни тинглаб олқишлиарди, ҳатто пул билан ҳам мукофотларди.

Санчодан нега бунақа қилаётганини сўрашди. Санчо жавоб берди: "Агар мен — губернатор уни сўксам, бутунлай чалишни ташлаб юборарди. Кейин эса бекорчиликдан ўгри бўлиб кетарди. Балки бирорни ўлдиради ҳам. Ундан кўра ёмон чолғувчи бўлиб, одам сифатида юргани яхши эмасми?..."

\* \* \*

Француз ёзувчиси Шамфор оғриб ётганди. Кўргани келган дўхтири сўради:

— Қалай, қайтаяптими?

— Эй, биласизми, у умуман қайтаётгани йўқ, ўзим қайтаяпман шекилли, — деди Шамфор.

\* \* \*

— Мен асосан кечалари ижод қиласман, — деди ёш бир композитор Паул Линкега.

— Ҳа, ха, — деб жилмайди устоз, — ўғирликларнинг асосий қисми ҳам аслида кечалари содир этилади.

\* \* \*

Австриялик шоир Франц Гриллпарцер жуда камсуқум киши эди. У расмиятчиликларни ёмон кўтар, айниқса, имзо йигувчиларни кўришга кўзи йўқ эди. Бир куни у касал бўлиб ётган эди. Безбетроқ бир киши у ётган хонага бостириб кирди ва дастхат ёзид беришни илтимос қилиб туриб олди.

— Касал бўлсанг, ўрнингдан туришга мажолинг келмаса, холинггавой, — деб ёзид берди Гриллпарцер.

\* \* \*

Пруссия қироли Фридрих II файласуф Мозес Мендельсонни ўз хузурига таклиф қилди ва ҳазиллашиб унинг ташриф қоғозига "эшак" деб ёзиб, қўл кўйиб берди.

Менделсон буни пайқаб қолиб, секингина чўнтағига солиб қўймоқчи эди, аммо қирол талаб қилиб қолди:

— Жаноб Менделсон, ташриф қоғозингизга ёзилган нарсаларни бизга бир ўқиб беринг-чи.

Менделсон баланд овозда ўқиб берди:

— Файласуф Мозес Менделсон эшак, Фридрих иккинчи.

\* \* \*

Машҳур немис ёзувчиси, композитори ва рассоми Эрнест Теодор Хоффманн бир қаҳвахонада овқатланди. Кетиш олдидан официант ундан тўрт шиша спиртли ичимлик учун пул тўлашни талаб қилди.

— Тўрт шиша? Бўлмаган гап! Ахир ошқозонимга кўп кетса уч шиша ичимлик кетади, сиз бўлсангиз...

— Жуда тўғри, жаноб! — деди официант дона-дона қилиб, — кўряпсизми, коринда жой қолмагандан тўртинчи шиша бошингизга кўтарилган.

Официантнинг ҳозиржавоблигига қойил қолган Хоффманн тўртинчи шиша учун ҳам ҳақ тўлади.

\* \* \*

Ёзувчи Виктор Шеффел бир куни ўртоғидан мактуб олди. Унда марка ёпиштирилмаган бўлиб, Шеффел уни жарима тўлаб кабул қилди.

— Ахволим яхши, Сен қалайсан? — деб ёзилганди мактубда.

Кўп ўтмай ўртоғи катта жўнатма олди. Унга ҳам жўнатиш ҳаққи тўланмаган, аммо жўнатувчи Шеффел деб ёзилгани учун ўртоғи катта жарима тўлаб уни ҳам олди. Унда бир тош ва бир мактуб бор экан. Мактубда шундай деб ёзилганди:

Ахволингдан бехабарлигим учун мана шу тош юк бўлиб босиб ётган эди. Хайрият, хатингни олиб, юк елкамдан тушди.

\* \* \*

— Шиллер билан Гётенинг асарлари унугилиб кетганда, менинг асарларимни ўқишиади, — деб мақтанди бир ўргамиёна ёзувчи.

— Албатта, асло олдин эмас, — деб жавоб берди ҳажвчи ва шоир Мориц Сапфир.

\* \* \*

Бир ёзувчининг хотини меҳмондорчиликка ўзининг янги тикдирган кўйлагини кийиб борди. Кўйлак шунчалик бежирим тикилган, аёлнинг коматига ёпишиб тушган эдики, барча эркакларнинг кўзи ундан узилмай колди. Уй эгаси пайт топиб ёзувчига деди:

— Хотинингиз жуда кўхликина экан, кўйлагининг ўзи ажойиб бир кўшик экан.

— Сиз адашяпсиз, дўстим, деди ёзувчи, — унинг кўйлаги бир кўшик эмас, тўрт қикоя ва учта эссадир.

\* \* \*

Херманн жуда хасис киши эди. Бир куни почтага бориб сўради:

— Айтинг-чи, битта телеграмма жўнатиш учун канча тўлашим керак?

— Бу энди телеграммадаги сўзлар сонига боғлик, — деди почта ходим, — аммо табрик телеграммалари учун ҳақнинг ярими тўланади, холос.

— Бўлмаса ёзинг, — деди Херманн, "Севгилим Хилда! Мен сени эртага ёнингга етиб боришим билан табриклайман!".

\* \* \*

Инглиз рассоми Уистлернинг асарларидан бирини бир миллионер катта пул эвазига сотиб олибди. Кейинчалик у рассом бу суратни бор-йўғи икки соат ичидা чизиб тугатганини эшлитиб: — Бу қандай адолатсизлик! — деб ачиниби. Бошқалар тер тўкиб, кечаю-кундуз тинмай меҳнат қиласди. У бўлса бор-йўғи икки соат ичидা бехисоб бойлик топса, — деб уни судга берибди.

— Қани айтинг-чи, — дебди суд ҳайъати унга, — шу суратни ишлашга қанча вақт сарф килдингиз?

Шунда мусаввир ўрнидан туриб:

— Менинг ҳозирга қадар яшаган умримга икки соат қўшингиз, шунда суратни чизишга кетган вақт ҳисоби чиқади, — дебди.

# **Мундарижа**

ИСМИНГНИ ЎЗГАРТИР.....	4
ДОНИШМАНД ДИОГЕН.....	5
“ДЕРАЗАНИ ЁПИБ ҚЎЙИНГ” .....	6
“СИЗГА НИМА” .....	7
ПАРИШОНХОТИР ОЛИМ .....	7
ҲАЗИЛКАШ МАРК ТВЕН.....	12
ҲОЗИРЖАВОБ ШОУ .....	16
“БУЛБУЛНИ ЮТГАН ФИЛ” .....	22
“ФАРОЙИБ ҲОДИСА... ” .....	23
“УЗУНРОҚ ПАЛЬТО КИЙИБ ОЛ” .....	24
“ЎЗИМНИ ЯХШИ ҲИС ЭТАЯПМАН” .....	24
МАГЛУБ ЧАПЛИН.....	25
“УЧ ЮРИШДА МОТ” .....	25
“СИМФОНИЯ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?” .....	26
“МЕНГА ҚИЙИН БҮЛАДИ”. .....	27
“КУЙЛАШНИ БАС ҚИЛИНГ” .....	28
“АНЧА ДАДИЛСИЗ” .....	29
“ОТИНГ НИМАЙДИ” .....	29
“БУ СИЗЛАРНИНГ ИШИНГИЗ... ” .....	30
ДАМ ОЛСАНГИЗ БҮЛАРДИ.....	31
“СИЗНИ БАГОЯТ ЭЪЗОЗЛОВЧИ” .....	31
ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ .....	32
ШАХМАТ ОЛАМИДА .....	34
КУНЛАРДАН БИР КУНИ.....	35

# **МАШХУРЛАР КУЛГУСИ**

(латифалар )

*Тузувчи ва нашрга тайёрловчи* Иззат Аҳмедов

*Техник мұхаррір* Лазиз Собиров

*Саҳифаловчи* Мухаммаджон Турсунов

*Мусаҳҳиха* Нилуфар Алиева

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Босишга рухсат этилди 12.01.2012. Бичими 108x84.

Босма тобоғи 3,5. Адади 2000.

Баҳоси шартнома асосида.